



Қаҳрамон Ражабов

Файзулла Хўжаев

14

“ТАРИХ ВА ТАҚДИР”

руқнида чоп этилаётган рисоалар:

- | | |
|----------------------------|------------------------|
| 1. АМИР ТЕМУР | 16. АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ |
| 2. АЛП ЭР ТУНГА (АФРОСИЁБ) | 17. НАЖМИДДИН КУБРО |
| 3. ТУН ЯБГУ-ХОҚОН | 18. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД |
| 4. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ | 19. АЛИШЕР НАВОИЙ |
| 5. УЛУҒБЕК | 20. МАҲДУМИ АЪЗАМ |
| 6. БОБУР | 21. МАШРАБ |
| 7. МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН | 22. МУҚАННА |
| 8. УБАЙДУЛЛАХОН | 23. КАТТА ЭРГАШ |
| 9. АБДУЛЛАХОН II | 24. МАДАМИНБЕК |
| 10. НАСРУЛЛОҲОН | 25. ШЕРМУҲАММАДБЕК |
| 11. ШОҲМУРОД | 26. ЖУНАИДХОН |
| 12. АМИР ОЛИМХОН | 27. ИБРОҲИМБЕК |
| 13. УСМОН ХўЖА | 28. МУЛЛА АБДУЛҚАҲҲОР |
| 14. ФАЙЗУЛЛА ХўЖАЕВ | 29. ҲАМРО ПОЛВОН |
| 15. АБУ АЛИ ИБН СИНО | 30. ПЎЛАТ СОЛИЕВ |

ISBN 978-9943-336-55-1



“ABU MATBUOT-KONSALT”



ҚАҲРАМОН РАЖАБОВ

Файзулла Хўжаев

(тарихий эссе)

ТОШКЕНТ
«ABU MATBUOT-KONSALT»
2011

УДК 94(575.1)(092) Хўжаев
ББК 63.3(5Ў)6
П17

Лойиҳа муаллифи:
тарих фанлари доктори Қ.К. Ражабов

Тақризчи:
тарих фанлари доктори, профессор С.И. Иноятов

Ражабов, Қахрамон.

Файзулла Хўжаев (тарихий эссе) / Қ.К. Ражабов; лойиҳа муаллифи Қ.К. Ражабов. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. – 48 б. – (Тарих ва тақдир).

Ушбу тарихий эсседа таниқли давлат ва сиёсат арбоби Файзулла Хўжаевнинг мураккаб ва зиддиятли ҳаёт йўли кўрсатилган. Рисола иқтидорли тарихчиға хос синчковлик ва аниқлик, ижодкорона жўшқинлик ва ёниқлик билан ёзилган. Тарих саҳифаларидан ҳикмат йиққан, боболар ҳаётидан сабоқ ўққан авлод келажакка зийрак нигоҳ ва тийрак ақл билан назар солади. Шу маънода бу рисола ўқувчини ўзбек халқи ўтмиши тўғрисида, Файзулла Хўжаев сингари буюк шахслар ҳақида ўйлашга, фикрлашга ва она-Ватан тараққиёти учун қуранишга даъват этади, бутунги баркамол авлодни эзуликка хайрихоҳлик, элга фидойилик, юртга садоқат руҳида тарбиялайди.

Мазкур тарихий рисола (эссе) бир нафасда қизиқиш ва қониқиш билан ўқиладики, бу ҳам муаллифнинг чуқур билими ва тажрибаси, илмий ва адабий маҳоратидан дарак беради. Асар кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

УДК 94(575.1)(092) Хўжаев
ББК 63.3(5Ў)6

ISBN 978-9943-336-55-1

© «ABU MATBUOT-KONSALT», 2011 й.

Аср-асрда порлаб чиқар буюк даҳолар,
Даҳоларнинг қадрини давр ўзи баҳолар...

Жуманиёз Жабборов

Сўзбоши

Файзулла Хўжаевдек буюк инсонлар тарихнинг бурилиш палласида муайян халқ ҳаётида ҳар юз-икки юз йилда фақат бир марта пайдо бўладиган камёб истеъдод эгалари, даҳо шахслардир. Не бахтки, ўзбек халқи қисматида ҳам XIX аср охирида Бухорода туғилган бу инсон муҳим ўрин тутди. У XX аср биринчи ярмида халқимизнинг энг машҳур давлат арбоби сифатида тарих саҳифаларидан ману ўрин эгаллаган сиймодир.

Файзулла Хўжаевдек фаолияти воқеаларнинг боришига шу қадар катта таъсир кўрсата олган, унга баҳо беришда шунчалик кўп қарама-қаршиликлар бўлган, кўкларга кўтарилган ва ниҳоят асоссиз ерга урилган, лекин халқ қалбига абадий қолган бирон бир сиёсий арбоби XX аср Ўрта Осиё республикалари ёҳуд туркий дунё давлат раҳбарлари орасидан топиш қийин бўлса керак. Унинг ҳаёти ҳам фаолияти сингари зиддиятли ва мураккаб кечган.

Файзулла Хўжаев сўнмас шон-шухрат қозongan. Бу мўтабар инсоннинг номи тириклигидаёқ афсонавий даражада машҳур эди. Халқ ўртасида у ҳаётлигида Эшонжон ва Эшон ака деб эъзозланган. Файзулла Хўжаев вафот этганига 70 йилдан ошган бўлса ҳам, у халқ хотирасида яшаб келмоқда. Унинг номи Ватанга ва халққа хизмат қилишнинг намунаси сифатида тарихга кирган. Файзулла Хўжаев тўғрисида ханузгача давраларда турли нақллار тилдан тилга, авлоддан авлодга кўчиб юради...

Ушбу тарихий рисола (эссе)да Файзулла Хўжаевнинг мураккаб ҳаёт йўли ва қисмати, унинг жадидчилик ўтмиши, Бухоро республикасининг раҳбари сифатидаги фаолияти, бу инсоннинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни хусусида сўз боради.

Таваллуд санаси ва ёшлиги

Файзулла Ҳўжаев, Файзуллаҳўжа Убайдуллаҳўжа ўғли... Бу табаррук номни тилга олиб, узоқ ҳаёлга толдим. Илкимга хома тутиб ёзишга ҳам анчагача мажолим етмай юрди. Узоқ мулоҳазаларга бориб халқимизнинг бу фидойи фарзанди ҳақида, бутун ҳаётини инқилобга бағишлаб, пиروвардида шу инқилобнинг сохта ғоялари номи ила ўлимга ҳукм қилинган, лекин номи мангуликка даҳлдор Файзулла бобо ҳақида баҳоли қудрат фикр юритишга ўзимда журъад сездим...

Файзулла Ҳўжаевнинг киндик қони томган муқаддас Бухоройи шарифда кезар эканман, неча бор ҳаёлан бу инсон билан суҳбатлашар, назаримда, энг оғир дамларда унинг руҳи мени қўлаб-қувватлагандай туюларди...

Файзуллаҳўжа милодий 1896 йил 1 июлда Бухоро шаҳрида амирлик ҳудудидаги йирик савдогар Убайдуллаҳўжа Қосимхўжа ўғли (1859–1912) оиласида дунёга келди. Унинг онаси – Райхон Саидмурод қизи (1871/1882–1938) Пешку-туманидаги Зандане қишлоғидан бўлиб, бу мушטיפар аёл оддий деҳқон оиласида вояга етган эди.

Файзуллаҳўжа ёруғ оламга кўз очиб келган пайт шарқона мучал бўйича маймун йилининг саратон ойига тўғри келади. Йили ағдариб, мучал кўтарганда маймун йилида Алишер Навоий, Муҳаммад Хоразмий, Хожа Аҳрор, Мирзо Абдулқодир Бедил каби алломалар дунёга келганининг гувоҳи бўлдик. Саратон ойида эса Файзулла Ҳўжаевнинг икки даҳо ҳамюрти: муҳаддислар пенвоси Имом Исмоил Бухорий ҳазратлари ва шайхур-раис Абу Али ибн Сино каби алломалар туғилган эканлар. Ушбу мос келишлар бежиз эмасдир. Чунки Тангри таоло саратон ойида туғилганларга ҳам, маймун йилида таваллуд тошганларга ҳам айрича истеъдод ва қобилият ато этаркан.

Маймун сўзи арабчада бахтли, қутлуғ, муборақ, ижобий таъсир кўрсатувчи деган маъноларни англатади. Мучал бўйича маймун йилида туғилганлар ақлли, топқир, киришимли,

хулчакчақ ва илғифотли, илмга ниҳоятда ташна, ҳамипа ҳамма нарсадан хабардор бўлиб, улар ҳар жиҳатдан яхши яшайдилар. Хотиралари жуда кучли бўлиб, кўрган ёки эшитган нарсаларини майда-чўйдасигача унутмайдилар. Уларнинг топқирлиги ҳайратомуздир: мураккаб муаммоларни тез ва ўзларига хос ҳолда ҳал этишади. Японларнинг айтишича, бу йилда палатини ҳаёт кечирадиган даҳолар туғилади. Бу мучал соҳиблари улкан ишларга қўл урадиган, доно ва ақлли одамлар бўлиб, ундайлар албатта катта ютуқларга эришади. Маймун йилида таваллуд тошган Файзулла Ҳўжаев ҳаётида ушбу йил кейинчалик ҳам бот-бот ўз марҳамату қарамларини аямади. Маймун йили бу даҳо тақдирида муҳим ўрин тутади...

Файзулла болалик чоғида эски усулдаги мактабга қатнаб, савод чиқарди ва Бухоро медресаларидан бирида икки йил таҳсил олиб, Қуръони каримни ёд олди. Файзулла ўн ёшдан сал ошганида отаси уни Москвага олиб боради. Бу пайтда Москва кўчаларида биринчи рус инқилоби ҳаракати ҳали сўнмаган эди. Беш йил Москвада ўтган давр (1907–1912) Файзуланинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Бу ерда у хусусий муаллимлар қўлида таълим олди. Бунгача медреса таҳсили орқали Шарқ маданиятидан анча-мунча хабардор бўлган закий ўспирин энди Европа ва Россия урф-одагларини, уларнинг тартиблари билан танишди. Файзулла ёшлигиданоқ ўзбек, тожик, рус тилларини бир хилда мукаммал билар эди. Замондошларининг гувоҳлик беришларича, Ф. Ҳўжаев ҳатто немис тилида ҳам ўз фикрини равон баён эта олган. Шарку Герб таълимини мукаммал эгаллаган Файзуллага бу билим кейинчалик жууда асқотди ва қўл келди. У XX аср бошларида инқилоб майдонига кириб келган Бухоро ва Туркистон ёшлари ўртасида чуқур билимга эга бўлган зукко шахс эди. Файзулла Ҳўжаевнинг атоқли даълаг арбоби бўлиб шаклланишида ёшликда олишган таълимнинг ўрни бўлакча бўлган.

Үн етги ёшли йўлбошчи

Қримда XIX асрнинг саксонинчи йилларида Исмоил-бек Гаспринский (Гаспирали) бошчилигида пайдо бўлган жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсади янги усул – жадид мактаблари очиб, мусулмон халқларига Шарқ ва Европа маданиятини ўргатиш, маърифатни ёйиш ва шарият қоидаларини ислох қилишдан иборат эди. Бухоро шаҳрида 1908 йили жадидларнинг «Раҳбари атфол» («Болалар тарбияси») номли яширин жамияти тузилди. Худди шу йили (бунга қарангки, яна маймун йили) Туркияда бўлган Ёш турклар инқилоби, «Иттиҳоди тараққий» ва Анвар Паша тоялари кейинчалик Бухородаги жадидлар ўртасида сезиларли таъсирга эга бўлди. Жадидлар 1912–1913 йилларда бу ерда ўзбек тилида «Турон» ва тожик тилида «Бухоройи шариф» газеталарини нашр қилишди.

Файзулла 15–16 ёшидаёқ Маҳмудхўжа Бехбўдий, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний ва жадидчилик ҳаракати бошқа намояндаларининг асарларини кунт билан ўраниб, ўзи ҳам улар сафида бўлди. Айниқса, унга домла Фитратнинг асарлари кучли таъсир қилди. Файзулла Хўжаев шунинг учун ҳам Бехбўдий ва Фитратларни ўзининг дастлабки устозлари деб билган эди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ф. Хўжаев ва Фитрат ўртасидаги самимий муносабаблар улар умрининг охиригача давом этди. Ф. Хўжаев «Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чезараланиши тарихига доир» асарида бундай ёзган эди: «Фитратнинг «Сайёҳи ҳиндий» асари ... фақат Бухородагина эмас, унинг ташқирисида ҳам қизиқиб ўқилди. Кейин бу китобча рус тилига таржима қилиниб, босилиб чиқди. Ватанпарварлик шеърлари тўплами бўлган «Сайёҳи»ни ўқиган кишиларни Бухоро ҳукуматигина эмас, шу билан бирга, рус ҳукумати ҳам таъқиб қила бошлади. Чунки бу шеърларда Бухоро мустақиллиги гоёси биринчи марта жуда ёрқин шаклда ифодаб берилди» (Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Ҳафтомлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1976. 99-бет).

Ушбу ўринда Файзулла Хўжаевнинг таржимаи ҳолига доир муҳим бир далилни келтириб ўтмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида 1925 йилда Ф. Хўжаев шахсан ўз қўли билан рус тилида тўлдирган бир қанча анкета-

лардан иборат ҳужжат сақланиб қолган. Ушбу нодир ҳужжат муқовасида «ЎзССР МИК аъзоси Файзулла Убайдуллаевич Хўжаевнинг шахсий иши» деб ёзилган. Бундан 83 йил муқаддам тўлдирилган «иш» саҳифаларини varaқласак, унда Ф. Хўжаев ҳаётига оид жуда қимматли маълумотлар мавжуд эканлигини кўрамиз. Ф. Хўжаев яшил сиёҳда тўлдирган анкеталарнинг бирида у 1912 йили 16 ёшдан бошлаб Бухородаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашганлиги ва инқилобий Ёш бухороликлар фирқаси аъзоси эканлигини қайд этади. Мазкур «иш»даги қизил сиёҳ билан тўлдирилган бошқа бир анкетада у 1913 йилдан бошлаб Ёш бухоролик инқилобчилар фирқаси Марказий Кўмитасининг аъзоси бўлганлигини ҳам ёзади (Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 1934-иш, 6–8-варақлар).

Файзулла Хўжаев кейинчалик – 1936 йилда швейцариялик ёзувчи Элла Майлларт хоним билан қилган мусохабаси чоғида ҳам отаси вафот этган пайтда (1912 йилда) у Бухородаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашганлигини, орадан бир йил ўтгач эса Ёш бухороликлар фирқасининг йўлбошчисига айланишини айтди (Қаранг: Элла Майлларт. Туркистон оҳанглари (немис тилида). Швейцария, 1935).

Маълумки, Файзулла Хўжаевнинг отаси – Убайдуллахўжа Қосимхўжа ўғли 1912 йили ўғли билан Маккага – муқаддас Ҳаж сафарига отланганида Россиянинг Одесса шаҳрида вафот этган эди. Ушанда ёш Файзулла йўлда учраган барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, отаси майитини Бухоро шаҳрига олиб келади ва падари бузрукворини мусулмончиликнинг барча шартларига риоя қилган ҳолда дафн эттиради.

Ёш бухороликлар сардори

Қиска муддат ичида ёш Файзулла Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг асосий раҳбарларидан бирига айланди. Бу пайтда у бор-йўғи 17 ёшда эди. Жадидларга қарши иккиёқлама таъқиб қўчайиши, Бухоро сўнги амири Саид Олимхон (1881–1944)нинг жадидларга қарши жон-жаҳди билан курашиши, Россиядаги Февраль инқилоби ғалабаси бу ҳаракат ичида ҳам кучларнинг қайта гуруҳланишига олиб келди. Эски фикрдаги жадидларга Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим),

сўла инқилобий жадидларга эса Фитрат бончилик қилади. Ёш бухороликлар фирқаси (кейинчалик инқилобчи Ёш бухороликлар фирқаси) жадидларнинг ушбу сўла қанотидан ташкил топди. Файзулла Хўжаев тез орада бу фирқа Марказий Қўмитасининг раиси қилиб сайланди.

«Бухоро жадидлари орасида Файзулла Хўжаев ўз мамлакатини тарихий тараққиётининг асосий тенденциясини кўра билган, унинг тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим бўлган асосий кучни аниқлай олган, энг узоқни кўрувчи ва ҳушёр арбоб бўлиб чиқди», – деб ёзган эди тарихчи олим Мавлон Ваҳобов.

Файзулла Хўжаев совет тузуми томонидан эндигина оқланган шароитда, яъни XX аср 60-йилларининг ўрталарида битилган домланинг ушбу фикрлари шу жиҳатдан муҳимки, бу сўзлар машхур сиймо ҳақида унинг ўлимидан сўнг ёзилган дастлабки тарихий очеркдан олинган (Қаранг: Мангу барҳаёт сиймолар. Тошкент: «Ўзбекистон», 1968. 398-бет).

Тарихшунос олима Д. Алимованинг «Файзулла Хўжаев ва жадидчилик» номли мақоласида келтирилган («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1996 йил 7 июн) қуйидаги мулоҳазалар эса юқоридаги фикрни янада тўлдиради: «Ўзига хос тарзда ажралиб турадиган ва мураккаб шахс Ф. Хўжаев ва унинг маслакдошлари Бухоро жадидчилигида марказий ўрин тутардилар. Ф. Хўжаев жадидчиликдек ноёб тарихий ҳодисага алоқадорлиги туфайли бир неча йиллар давомида, ҳатто турғунлик йилларида ҳам эътибордан қолмади. Ф. Хўжаевнинг қаламига мансуб «Бухоро инқилоби тарихига доир» асари унинг ўзи воқеалар иштирокчиси бўлганлиги ва тадқиқотчилик қобилияти туфайли нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон тарихшунослигидаги бебаҳо хазинадир».

1917–1920 йиллар Файзулла Хўжаев ҳаётида ўчмас из қолдирди. Милодий 1917 йилнинг йили жаҳон тарихига иккита рус инқилоби бўлган йил сифатида кирди. Милодий 1920 йил 2 сентябрда – маймун йилининг сунбула ойида эса Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланиб, Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилди. Файзулла Хўжаев тарих учун жуда оз бўлган ушбу мўлақатда ҳақиқий инқилобчиларга хос йўлни: адабиётлару мағлубиятлардан холи бўлмаган, зафарлар билан бирга кагта йўқотишларга бой улкан кураш йўлини, кагта ҳаёт мактабини босиб ўтди. Йигирма-йигирма тўрт яшар Файзулла ушбу даврда

Бухоро, Тошкент ва Москвадаги инқилобий курашлар жабҳасида обдан чиникди.

Маълумки, Файзулла Хўжаев инқилобий жараёнга, бутун айрим ёзувчилар ва публицистлар даъво қилаётганидек, коммунист сифатида келиб қўшилмади. У олдин жадидчилик ҳаракатида, сўнгра Ёш бухороликлар фирқасида фаолият кўрсатар экан, мавжуд воқеликка ўша даврдаги Бухоро халқи турмушидан келиб чиқиб ҳолисона ёндашган эди. У мутлақ ҳокимиятга эга амирлик тузуми ўрнига Бухорода демократик тартибга асосланган давлат ташкил қилиш учун курашди. Ушбу курашдаги дастлабки уриниш 1918 йил мартда муваффақиятсиз тугайди («Колесов воқеаси»). Бу мағдубиятдан кейин фақат Ф. Хўжаев ёки Ёш бухороликлар учунгина эмас, балки Бухородаги бутун тараққийпарвар кишилар учун ҳам қора кунлар бошланди. Тадқиқотчи Ҳ. Болтаев таъкидлаганидек, «Колесов воқеаси»га энг одил баҳони Фитрат муҳаррирлигида чиққан «Хуррият» газетаси берди:

«Бу воқеалар Бухоронинг сўнгги юз йиллик тарихини бўяган энг қонли доғ бўлди». Ўша қонли доғ Фитратнинг «Шарқ» дostonида ўзининг яққол ифодасини топган:

Ўтлар аро ёниб турган қишлоқлар,

Хирмон бўлиб ётган гавдалар жонсиз.

Оқмоқдадир қизил қондан ариқлар,

Тинч турганлар талалар омонсиз...

– Қим туққан бу муқаддас ишга шулча қонишим?!

(Ўзбек ёш шоирлари. Шеърӣ тўплам. Нашрга тайёрловчи Фитрат. Тошкент, 1922.)

Ҳар қандай ҳокимият ўзига қарши чиққан кучларни у мураккалтигдаёқ эзиб ташлашга интилади. Бу курашда фақат шафқатсизликка галабани таъминлай олади. Буни амир ҳам яхши билар эди. Шу ўринда Амир Саид Олимхоннинг Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган йили чоп қилинган «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» хотиралар китобини эсламасдан ўтиб бўлмайди. Афсуски, Бухоронинг собиқ амири ўз хотираларида Ф. Хўжаев номини фақат бир ўринда тилга олиб, уни «жадид бузғунчиси» деб қоралашдан нарига ўта

олмайди. Холбуки, юкорида тилга олинган 1918 йил март фотожиаляридан кейин амирнинг ўзи Бухорода зулмни авж олдириб юборган эди. Амир сиртдан ўлимга ҳукм этган Ф. Хўжаевнинг мактубларидан бирида бу ҳол лўнда қилиб қуйидагича ифода-ланган: «Март тўнтаришидан кейин Бухорода ўлдирилган фирқа аъзоларининг сони 3 000 кишига яқин. Уларнинг мол-мулки му-содира этилган, оилалари очликдан қийналмоқда». Ҳатто очлик оқибатида куплаб кишилар ўлиб кетишди.

1918 йил ёзида Файзулла Хўжаев Москвага жўнади. Йўлда оқ твардиячилар уни ушлаб, хибста олишди. Дутовнинг буйруғи билан у Оренбургда 4 ой қамоқда ётди. Ўлим жазоси-га ҳукм қилинган Файзулла дўстларининг ёрдами билан катта маблағ эвазига қамоқдан қочишга муваффақ бўлди. Ўша пайт-да Бошқирдистондаги миллий ҳаракатнинг таниқли намоян-даси бўлган Аҳмад Закий Валидий Ф. Хўжаевнинг қамоқдан қочишини уюштиришда иштироки борлигини кейинчалик ўз хотираларида ёзиб қолдирган.

... Қозон вокзали. Москвага ҳозиргина етиб келган поезддан йигирма ёшлардан сал онган йигит шошиб тушганича одам-лар оқими ичига кириб кета бошлади. Шу дақиқаларда бир тўп лўлилар бу хушбичим, истараси иссиқ йигитни қуршаб олиш-ди. У ўрта бўйли, тимқора кўзлари чарақлаб турган, боши ва юзи сал чўйқроқ, эгнидаги костюми қорамтир бўлгани учун оқибдан келган ёноқлари янада ярқираб кўринаётган эди. Узун қора сочлари патила-патила бўлиб елкасига тушган, катта қора кўзлари чакнаб турган бир хушрўй қиз чаққонлик билан йигит-нинг қўлидан маҳкам ушлаганича уни лўлилар даврасидан чет-га олиб чиқди. У йигитнинг кафтига термулиб, бир неча дақиқа ўйга толди. Қизнинг узун бармоқлари йигит кафтини, унда аниқ кўзга ташланиб турган чизикларни меҳр билан сийпаларкан, ниҳоят у тилга кирди:

— Чиройли йигит, сени Москвада иқболиң, бахтиң, шон-шухратиң кутмоқда. Ҳозир сен ҳаётингдаги энг буюк воқеалар арафасида турибсан. Сен бағрига шошиляётган бу азим шаҳар билан бутун тақдиринг ўзаро пайваста бўлиб кетган. Бу шаҳар сени халқингга манзур қилади. Бу шаҳарда сен катта шон-шухратга ҳам, обрў-эътиборга ҳам эришасан. Ниҳоят, умринг ҳам шу шаҳарда хотима топади!

Файзулла бу сўзларни жимгина тингларди. Унинг қўлимси-раб туришидан лўли қизнинг эхтиросга тўлиқ бу гапларига ун-чалик ишонқираманганлигини пайқаш қийин эмас эди. Кечаги-на Оренбургда қамоқда ўтирган, ажалнинг минг бир шарпасига чап бериб машаққатли йўл азоблари билан Москвага зўрага етиб келган инқилобчи йигит учун бу сўзлар куруқ чўпчақдан бўлак нарсаси эмас эди. Яна ким билади дейсиз, балки Файзулла бу гап-ларга ишонгандир...

Файзулла фолбин қизнинг «асирлиги»дан қутулгач, одамлар издиҳомига қўшилиб кетаркан, унинг орқасидан маънос терму-либ қолган қизнинг лаблари аста пичирлади: «Афсус, бу барно йигитнинг умри жуда қисқа экан...» Дийдаси қаттиқ бу қизнинг кўзларида ёш халқаланган, юзида қайғу зуҳур бўлган эди...

Нима бўлганида ҳам бу лўли қизнинг башоратлари хайрағомуз даражада тўғри чиқди. Бу таъсирчан лавхани тадқиқотчи Манзура Давлатова ўзининг «Кафтидаги бахт...» ном-ли мақоласида («Саодат», 1992. №3—4, 22—23-бетлар) келтириб ўтади.

Файзулла Хўжаев 1918 йил октябридан 1920 йилнинг январь ойигача Москвада бўлди. Ёш бухороликлар фирқаси Мар-казий Қўмитаси Москва комитети раиси бўлиб ишлади. Фай-зулла Хўжаев Москвада совет ҳукуматининг раиси В. Ленин ва унинг сафдошлари И. Сталин, М. Калинин, М. Фрунзе, Я. Руд-зутак, Ш. Элиава билан кўп мулоқотда бўлди. Москвадаги ҳаёт Ф. Хўжаевни марксизм ғояларига, В. Ленин ва большевиклар пар-тиясига бир қадар яқинлаштирди, унинг дунёқарашига муайян даражада бурилиш ясади. У Тошкентга келгач, 1920 йил январи-да ташкил тошган инқилобчи Ёш бухороликлар фирқасининг Тошкентдаги Туркистон бюроси раиси бўлиб ишлади.

Инқилобчи Ёш бухороликлар фирқасининг Файзулла Хўжаев тузиб берган ва шу партиянинг конференциясида 1920 йил 14 июнда қабул қилинган маромномаси (дастури)да Бухо-ронинг келгуси тараққиёт йўллари ва давлат бошқаруви ма-салалари ёритилган. Маромнома шариятнинг жамият ва давлат тузилишини белгилаш, шунингдек, адлия ишларини олиб бо-ришнинг негизи деб эътироф қилган эди. Ёш бухороликларнинг фикрича, шарият «адолатни талқин қилувчи ва камбағалларни ҳимоя қилувчидир». Маромномада амирликни қурол кучи би-

лан ағдариб ташлаш ва Бухорони Халқ Демократик Жумхурияти деб эълон қилиш талаб этилган эди. Бу талабнинг ўзи Ёш Бухороликлар фирқасининг 1918 йили Фитрат томонидан тузилган дастурида талаб қилинган конституцияли монархия госясига нисбатан ола ташланган катта қадам эди.

Ёш бухороликлар Туркистон бюросининг дастури «Зулмга қарши бирлашингиз» деган шiorдан сўнг кириш қисми билан бошланади. Бу қисмда Бухоронинг умумий ахvoli ва Ёш бухороликларнинг асосий мақсадлари баён қилинади; дастурнинг иккинчи қисмида Ёш бухороликларнинг амалий тақлифлари, уларнинг ислохотлари ва мамлакатни идора қилишни ташкил этиш режаси берилади:

«Бутун дунёнинг ишчи-деҳқон оммаси билан бирликлда ишлаш инқилобчи Ёш бухороликларнинг асосий вазифаси ва мақсадидир.

Яшасин озод ва мустақил Бухоро!»

Инқилобчи Ёш бухороликлар фирқаси дастурининг амалий қисми қуйидаги асосий қойдаларни ўз ичига олади:

Ҳокимиятни ташкил қилиш соҳасида Ёш бухороликлар амирликни тугатишни, унинг ўрнига халқ жумхурияти тузиб, ҳукумат ҳайъатига Бухорода ишлаб турган элатлар вакилларини ҳар бир элат аҳолисининг сонига мутаносиб миқдорда киритишни, шунингдек, умумий сайлов ҳуқуқини жорий этишни талаб қилдилар.

Дастурда миллий масалага катта эътибор берилган эди. Шунинг учун ҳам дастурнинг ушбу қисмидан бир парча келтириб ўтмоқчимиз:

«1. Фирқа ҳар бир миллатнинг меҳнаткашлар оммасини сиёсий ҳуқуқларда баравар деб билади ҳамда улар ўртасида миллий ва диний душманлик кўринишларига йўл қўймайди. Фирқа миллатлар ўртасида низоларга йўл қўймасликка бутун кучи билан интилади ва Бухоро Халқ Жумхуриятида ҳар бир фуқаро ҳуқуқлари ҳамма билан баравар бўлиши, ўзига берилган ҳамма ҳуқуқлардан биб-баравар фойдаланиши учун бутун кучини сарфлайди...

4. Фирқа Шарқдаги бир халқнинг иккинчи халқ томонидан эзилишига, кучли халқнинг кучсиз халққа зулм қилишига қарши курашади».

Инқилобчи Ёш бухороликлар фирқасининг дастури адлия соҳасидаги тадбирлар билан якунланади. Учта моддадан иборат бу тадбирлардан, хусусан, биринчиси ҳатто бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини заррача йўқотгани йўқ:

«1. Фирқа судларнинг фақат қонунга итоат қилишини ва уларнинг эркин бўлишини ҳамда чет кишиларнинг судларнинг ишига ҳар қандай аралашувидан ва судларга таъсир ўтказишидан ҳимоя қилишини талаб этади» (Ф. Ходжаев. К истории революции в Бухаре, Т., 1926. С. 63–65).

Ушбу дастур билан ҳатто большевикларнинг ўша пайдаги раҳбари В. Ленин танишиб чиқади. Ф. Хўжаев раҳбарлик қилаётган инқилобчи Ёш бухороликлар фирқасининг дастури коммунизм идеалларига зид бўлганлиги учун ушбу фирқа РКП(б) сафига қабул қилинмайди. Бу масала 1920 йил 29 июлда бўлган РКП(б) МК ташкилий бюросида махсус муҳокама қилинади. Шу билан бирга РКП(б) МК амир ҳокимиятига қарши «бу ташкилотнинг инқилобий курашига ёрдам бериш зарур» деб тоғди. Шу тарика инқилобчи Ёш бухороликлар фирқаси Бухородаги мавжуд тузумга қарши курашаётган демократик ташкилот деб эътироф қилинди.

Файзулла Хўжаев – БХСР ҳукумати раиси

Бухоро амирлигида 1920 йил ёзида сиёсий вазият жуда кескинлашди. 25 августда Туркистон фронтти кўмондони М. Фрунзе Туркфронт кўшинларига «кўзголон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида» буйруқ берди. Қизил кўшин таркибидаги зарбдор гуруҳларнинг қўлчилигига дастлабки марраларни эгаллаш ва 29 августга ўтар кечаси фаол ҳаракатларни бошлаш буюрилди. Жанг ҳаракатларига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилиш учун Янги Бухоро (Когон) шаҳрига Туркистон комиссияси (Туркомиссия) ва Туркбюронинг янги аъзоси Г. Сафаров жўнатилди. Босқинчи қизил армия томонидан Бухоро шаҳрига ҳужум ҳам 29 августга ўтар кечаси бошланди. Хал қилувчи жанлар Бухорои шариф дарвозалари яқинида рўй берди. Бу воқеаларнинг бевосита шохиди қуйидагича ёзган эди: «Шаҳар маркази ер билан яқсон қилинди. Жанг давомида юзлаб замбараклар ва самолёт-

лар ишга солинди. Минглаб спарядлар ва бомбалар Эски Бухоро обидалари устига ёдирилди. Шаҳар ҳимоячиларидан ташқари кўплаб бегуноҳ кексалар, аёллар ва болалар ҳалок бўлди. Юзлаб аҳоли уй-жойлари, меъморчилик ва тарихий обидалар ер билан яксон бўлди. Регистон ёндирилди».

Босқинчи ва талончи қизил аскарлар томонидан Шарқ мўъжизаси ҳисобланган Бухоро ана шундай шафқатсиз равишда ўққа тутилди. Амир Саид Олимхон ўз хотираларида бу фожияларни қуйидагича тасвирлайди: «Бу уруш асносида душман тахминан Бухоронинг ярмини тўли ва нулемеълардан ўққа тутиб, кўп талафот етказди. Улар ўн битта тайёра билан Бухоро шаҳри устида ҳавода парвоз этиб, бомба ёдирдилар». Амир ўзи ёзганидек, «вайронагарчилик янада зурайиб, одамларнинг яна ҳалок бўлишига йул қўймаслик андишаси ила» ўз қўшинлари билан пойтахтдан чиқиб кетди.

1920 йил 2 сентябрда Туркистон фронти қўшинлари қаттиқ жанглардан кейин Бухоро шаҳрини эгаллашди.

М. Фрунзе бошчилигидаги қизил қўшиннинг умумий миқдори 70 000 киши бўлган. Шундай қилиб, Шарқнинг энг қудратли ва кўна даълатларидан бири Бухорода қизил аскар найзалари остида амирлик ҳокимияти агдариб ташланди. Бухоро ваҳиёна бомбардимон қилинди, шаҳардаги уч ярим миңг йиллик тарихга эга кўплаб осори-атикалар вайрон бўлди, бутун шаҳар ўт ичида қолди. Бухороликлар бу кунларни «кичик қиёмат» деб аташган. Минглаб бухороликлар ўз муқаддас шаҳарларини ҳимоя қилиш пайтида жон бердилар. Совет манбаларида ёзилишича, қизил аскарлардан ҳам 500 дан ортиқ киши шаҳарни босиб олиш пайтида мудофаачилар томонидан ўлдирилди. Бироқ бу манбада қизил аскарларнинг талафоти атайлаб камайтириб кўрсатилганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

1920 йил сентябрь ойида Бухоро шаҳри қизил аскарлар томонидан армонсиз таланди. Амирнинг хазинаси М. Фрунзе ва В. Куйбишевнинг кўрсатмаси ила зудлик билан Москвага жўнатилади. Тадқиқотчилар архивдаги манбалар асосида Бухородан ҳаммаси бўлиб икки эшелонда (ҳар бир эшелонда 14 тадан вагон бўлган) олтин ва қимматбаҳо буюмлар олиб кетилганлигини ёлтироф этишмоқда. Бу бойлиқнинг умумий қиймати ўша пайтдаги нарх билан тахминан 77 миллион тилла сўмдан иборат

бўлган. Бу маблағни хозирги баҳога чақадиган бўлсак, тахминан 80 миллиард долларни ташкил қилади.

Бу воқеаларга ҳам қарийб 90 йил бўлди. Бутунги кун нуқтаи назардан туриб, Бухородаги сентябрь фожияларига назар ташланса ва муноҳада этилса, бир ҳақиқат ойдинлашади. Бухородаги амирлик истибдоди ҳақиқатан ҳам келгуси тараққиёт учун тўсиқ бўлиб турарди. Буни мардона ёлтироф қилмоқ керак. Файзулла Ҳужаев бошчилигидаги Ёш бухоролик жадидлар эса мамлакатни европача андозадаги ривожланган давлат даражасига кўтариш, Бухорода демократик тузум ва ҳуқуқий жамият куриш учун чин дилдан интиланган эдилар. Улар амирлик тузумини ўз кучлари билан йиқита олмади, большевиклар ва қизил аскарлар билан иттифоқ тузиб, қаттиқ адасдилар ва ҳагога йўл қўйдилар. Бироқ халқимизнинг бу фидойи ўғлонлари номита бутунги кунга келиб заррача бўлса-да доғ тушириш, уларнинг эзгу ният ва мақсад йўлидаги ҳаракатларини қоралаш – бу тарихий вазиятни тўғри тушунамслик ва воқеаларни юзаки таҳлил қилиш бўлур эди.

1920 йил 14 сентябрда бўлиб ўтган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси, Инқилобий Кўмита (ревком) ва Бухоро Коммунистик партиясининг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро Инқилобий Кўмитаси (раиси – Абдулқодир Мухитдинов) ва республика ҳукумати – 11 кишидан ташкил топган Халқ Нозирлар Шўроси (раиси – Файзулла Ҳужаев) тузилди.

Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, асосан жадидлардан ташкил топган Файзулла Ҳужаев бошчилигидаги Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати ўша пайтда дунёдаги энг маълумотли кишилар тўпланган ҳукуматлардан бири ҳисобланган. Нозирлар Бухоро, Истанбул, Берлин, Москва ва бошқа шаҳарларда таълим олишган эди. Бунинг устига, ҳукумат аъзолари асосан ёшлардан иборат бўлган. Ҳукумат бошлиғи 24 ёшда бўлиб, нозирларнинг ўртача ёши 29 ёшдан ошмаган. Тарихда бундай ёш ҳукумат учрамайди. Шундай қилиб, Бухоро жадидлари ўзларининг ислохотчилик ғояларини янги ҳукуматдаги фаолиятлари давомида амалга оширишга ҳаракат қилдилар.

Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик ҳокимияти бўлган. Унинг зиммасига қисқа муддат ичида ўрта асрчилик анъаналари мерос бўлиб

қолган амирлик Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. Бу ишларни амалга оширишда Бухоро ҳукуматининг раҳбари Файзулла Хўжаев катта роль ўйнади.

Хуллас, таниқли давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаевнинг ҳаётида 1920–1924 йилларни ўз ичига олган Бухоро даври алоҳида ажралиб туради. Бу пайтда у бир вақтнинг ўзига Бухоро Халқ Совет Республикаси Нозирлар Шўросининг раиси (1920–1924), БХСР Ташқи ишлар нозир (1920–1922), Ҳарбий ишлар нозир (1921–1924), Ички ишлар нозир (1922), БХСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши раиси (1922–1924) каби масъула лавозимларда фаолият кўрсатган эди (Қаранг: *Ўзбекистон МДА*, 86-фонд, 1-руйхат, 1934-иш, 9-варақ). Шунингдек, Файзулла Хўжаев Шарқий Бухоро Инқилобий Ҳарбий кенгаши раиси (1922–1924), СССР Ҳарбий-Денгиз ишлари халқ комиссарлигининг Ўзбекистон ССР бўйича расмий вакили (1925 йилдан) ҳам ҳисобланган. Файзулла Хўжаевга 1924 йилда олий Ҳарбий унвон – командарм (армия кўмондони; ҳозирги армия генерали) унвони ҳам берилган.

Кучли сиёсатчи ва моҳир дипломат

Бухоро Халқ Совет Республикаси билан РСФСР ўртасида 1920 йил октябрь-ноябрь ойларида муваққат Ҳарбий-сиёсий ахдлашув ва шартнома тузилди. 1921 йил 4 мартда ҳар икки давлат ўртасида Иттифоқ шартномаси имзоланди. Ушбу шартномалар мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган ёш Бухоро давлати арбоблари фаолиятининг муайян даражада чекланишига олиб келди. Иттифоқ шартномаси мустақил Бухоро давлати ҳақида совет кўшинлари туришини «қонуний» жиҳатдан асослаб бердики, мазкур ҳол БХСР ички ишларига Россиянинг тўғридан-тўғри қуроли аралашувидан бошқа нарса эмас эди.

БХСР Нозирлар Шўросининг раиси Файзулла Хўжаев Россия билан муносабатларни таҳлил қилар экан, қуйидагича хулосага келган: 1922 йил 5 апрелда Файзулла Хўжаев томонидан РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссари ўринбосари А. Караханга ёзилган мактубда Бухоро билан Россия ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар тенг эмаслиги айтилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Файзулла Хўжаевнинг ўзи кучли иқтисодчи бўлиб, у Бухоро томонидан совет Россияси ва Туркистон АССРга етказиб бериладиган молларга аниқ баҳо ва товар эквиваленти белгилаш зарурлиги тўғрисида аниқса ташвишланиб гапирар эди. БХСР ва Туркистон АССРнинг Закаспий вилояти ҳудудида жойлашган Россия кўпинлари – қизил армия (уларнинг миқдори 40 000–60 000 кишидан кам бўлмаган) Бухоро давлатининг озиқ-овқати ва еم-хашаги билан таъминланар эди. Ҳукумат бошлиги Файзулла Хўжаев 1921 йил март ойида Тошкентда бўлган Туркистон комиссияси мажлисида (мажлис раиси – Я. Петерс) Бухорода турган Россия кўпинлари сонини тахминан 15 000 кишигача қисқартириш тўғрисидаги масалани кўндаланг қўйган.

Файзулла Хўжаев ушбу мажлисда Россия Федерацияси билан БХСР ўртасидаги товар алмашиш тўғрисида ҳам тўхталар экан, ўзига хос истеҳзо билан қуйидагича таъкидлаган эди: «*Ташқи савдо (Внешиорг)* шундай бир таъкидотки, у ҳамма нарсани олиши мумкин, бироқ ҳеч нарса бермайди». Файзулла Хўжаев кейинчалик ҳам бу талабларни бир неча марта совет Россияси раҳбарияти олдига кескин равишда қўйган эди.

Файзулла Хўжаев Эрон, Туркия, Афғонистон, Озарбойжон каби Шарқ давлатларидан ташқари Ғарб мамлакатлари Англия, Германия, шунингдек, Япония билан дипломатик алоқалар ўрнатишга катта куч-ғайраг сарфлади. Бухоро билан Германия ўртасида маданий ва иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, савдо-сотиқ авж олдирилган. Файзулла Хўжаев 1922 йил октябрь-ноябрь ойларида Германияда бўлиб, турли банклар ва компаниялар билан шартномалар тузган. Шу вақтга келиб у немис тилини жуда пухта билган.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, XX аср бошларида Файзулла Хўжаев Германияда таҳсил олган ва аynи пайтда бу ердан туриб отасининг Европадаги савдо ишларини юритган. Бироқ биз ҳалигача архивлардан ушбу маълумотни тасдиқловчи бирламчи манбани топа олмадик.

1923 йилнинг бошларида Файзулла Хўжаев билан Мукамил Бурҳонов яна Германияда бўлишган. Улар Берлинда БХСР, Бухорода эса Германия элчихонасини очишга кўп уринишган. Ҳукукшунос журналист Файзулла Қиличевнинг ёзишича, ўша

пайтда Файзулла Хўжаев ўз яқинларига қўйидаги фикрларни айтган экан: «Немислар зўр халқ, Германия кучли мамлакат. Улар ҳар қандай вақтда ҳам ўз сўзини айта оладилар. Уларнинг бизга элчиси очилса ва алоқаларимиз йўлга қўйилса, Россия ўз татбиқини ҳадеб тўқатишига эришиши мумкин».

Файзулла Хўжаев Германия ваколатхонасини Бухорода очиш орқали ёш республиканинг сиёсий мустақиллигини таъминлаш баробарида иқтисодий ҳамкорлик муносабатларига ҳам кенг йўл очилишини назарда тутган. Чунки у Германия иқтисодий имкониятларини сарҳисоб қилиб чиққан эди. Бўямаса Ф. Хўжаев 1922 йилнинг ноябрида Берлиндан туриб Бухорога ёзган мактубида қўйидаги фикрларни айтмас эди: «*Оврупа бозорларидан қувилиб, мустамлакалардан маҳрум қолган олмон сармоясидан фойдаланиб... муштарак саноат ва тижорат ширкатлари ташкил этмоқ, шубҳа йўқ, зарар қилмасди*».

Файзулла Хўжаев 1922 йил ноябрь ойи ўрталарида Берлиндан туриб БХСР МИҚга «*Берлин мактублари*» номи билан хат йўллаган. «*Бухоро ахбори*» газетасининг 1922 йил 19 ноябрда чоп этилган 111-сонига хат тўлиқ келтирилган. «Берлин мактублари» 4 қисмдан иборат бўлиб, улар «*Умумий аҳвол*», «*Байналмилал аҳвол*», «*Уч масала*», «*Ижтимоий инқилоб*» деб номланган.

Файзулла Хўжаев Германиядаги сиёсий аҳвол қандай бўлишидан қатъи назар иқтисодий имкониятлар кенглигини чамалар экан, БХСР саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, янги каналлар чиқариш ишида немис сармоясидан фойдаланиш истиқболини кўра билган. Шунинг учун дипломатик алоқалар иқтисодий ҳамкорликка кенг йўл очипи керак эди.

Файзулла Хўжаев Германияда бўлганида (1922 йил ноябрь) немис даврий маъбуоти: «*Ф. Хўжаев Олмонияга сиёсий ва тижорий (савдо) ишлар билан келган. Берлиндан Англияга, Италияга, Францияга, Бельгияга, Чехословакияга, Туркияга борадур эмиш*», — каби ўнлаб хабарларни босиб чиқарган. (Қаранг: Файзулла Хўжаев. Берлин мактублари // «Бухоро ахбори», № 111, 1922 йил 19 ноябрь.)

Хуллас, Файзулла Хўжаев машҳур давлат арбоби, кучли сиёсатчи ва моҳир дипломат сифатида фаол ташқи сиёсат олиб бorgan. У Бухоро Халқ Совет Республикаси мустақил ички ва ташқи сиёсат юритишига, мамлакатда иқтисодий ислохотлар ўтказиш

ва демократик эркинликларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратиб, совет Россиясидан ташқари Эрон, Туркия, Афғонистон, Хитой, Озарбойжон, ХХСР, шунингдек, Германия ва Япония билан дипломатик алоқалар ўрнатган. У талабаларни хорижга жўнатиб ўқитишнинг ташаббускорларидан бири бўлган. Файзулла Хўжаев, Фитрат, Мукамил Бурҳоновнинг ташаббуси билан 100 га яқин туркистонлик талаба БХСР ҳукумати ҳисобидан Германияда, ўнлаб талабалар Туркия ва бошқа давлатларда ўқишган.

Файзулла Хўжаев ва истиқлолчилик ҳаракати

III аниқли давлат арбоби Файзулла Хўжаевнинг истиқлолчилик ҳаракати — «босмачилик»ка нисбатан бўлган муносабати ҳам ўқувчиларни қизиқтириши табиий. Биз мазкур рисолатинг ушбу қисмида янги тошилган архив ҳужжатлари ва кўпчиликка ҳали таниш бўлмаган бошқа манбалар орқали бу маласига бир қадар аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Файзулла Хўжаев Бухоро ҳукуматида бопчилик қилар экан, қизил армиянинг босқинчилиги ва тажовузорчилигига қарши боп кўтарган истиқлолчиларга қарши кураш олиб боришга шароит тақозоси билан мажбур бўлган эди. Лекин, шундай бўлса-да, у истиқлолчилик ҳаракатига ўзгача бир умид билан қараган. Ф. Хўжаев бу ҳаракатдан тўғри йўналишда ва аниқ сиёсий мақсадни кўзлаб фойдаланишни мўлжаллагани эҳтимолдан холи эмас.

Архивларда сақланиб қолган ўша даврдаги айрим ҳужжатларда кўрсатилишича, Файзулла Хўжаев совет Россияси ҳукумати ва унинг Бухородаги вакилларига бизнинг халқимиз советлаштиришни қабул қилолмаётгани, халқ буни хоҳламаётган, шунинг учун қўлга қурол олиб, уюшиб курашга кўтарилапти, деган қарашни синдиришга ҳаракат қилган. Ф. Хўжаевнинг фикрича, бир вақтнинг ўзида тарқоқ истиқлолчи дасталарини йириклаштириш ва сиёсийлаштириш йўлида иш олиб бориш керак. Чунки яхши қуролланган ва курашларда тажриба орттирган бу кучлар ўртасидан жанговар сардорлар ва ботир жангчилар етишиб чиққан бўлиб, улардан қалажакда миллий армияни жуда

тез шакллантириш мумкин. Зеро вақти келиб совет Россиясидан ажралиш масаласи кўтарилса, унда муайян кучга ҳам эга бўлинади. Бу ҳақдаги маълумотлар Файзулла Хўжаевнинг «жиноий иши» сақланган архив ҳужжатларида, шунингдек, Фитрат, Мухторжон Саиджонов, Отаулла Хўжаев, Порсо Хўжаев, Мусожон Саиджонов ва бошқа бухоролик жадидларнинг тергов материалларида ҳам келтириб ўтилади.

Шарқий Бухорода 1920 йилнинг кузида бошланиб, бутун Бухоро жумҳуриятида кенг тарқалиб кетган истиқлолчилик ҳаракати Топкент ва Москвадаги совет ҳукумати арбобларининг қаттиқ ғазабланишига олиб келди. Марказдаги партия ва совет раҳбарлари Ф. Хўжаев бошлиқ Бухоро ҳукуматини истиқлолчиларга қарши кескин чоралар кўрмаётганликда айблашди. Мабодо Бухоро мужоҳидлари билан Туркистонда ҳаракат қилаётган бошқа ватанпарвар кучлар ўзаро бирлашиб, истиқлолчилар ягона куч бўлиб уюша олсалар, ўлкадаги совет ҳокимиятининг тугагилини аниқ бўлиб қоларди. Большевиклар энг аввало мана шундан қаттиқ кўрқинади. 1920 йил 26 декабрда Бухоро шахрига келган РКП(б) МК Туркбўро раисининг ўринбосари Георгий Сафаров (Егоров) ўша куни чақирилган жумҳурият фаолларининг йиғилишида нутқ сўзлади (Маълумки, *Г. Сафаров* 1921 йилда Москвада нашр қилинган «*Мустамлакачилик инқилоби*» (*Туркистон таъриби*си)) номли машҳур китоб муаллифидир). Г. Сафаров ўз нутқида БХСР раҳбарларини совет ҳокимиятини ўрнатилганда етарли даражада қатъият кўрсатмаётганликда ва шафқатсиз чоралар кўрмаётганликда айблаган эди.

Бутун Бухоро Марказий Ревкомининг раиси Абдулқодир Муҳитдинов ва Халқ Нозирлар Шўросининг раиси Файзулла Хўжаев бу воқеадан сўнг РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлигига норозилик ногаси билан мурожаат қилиб, Г. Сафаров уларни ноҳақ айблаётганини таъкидлашди. Чунки Г. Сафаров юқорида айтилган йиғилишда Бухоро ҳукуматини «совет ҳароқчилари *тўдаси*» деб атаган, «*Бухоро инқилоби паспортсиз инқилобдир*» деб янги ҳукуматга ноҳақ айблар қўйган эди. У ўшанда йиғилганларга қарага таҳдид билан «Биз ҳаммангизни *отиб ташлаймиз!*» деган ва сўзининг охирида уларга «*чўчқалар*»

дея мурожаат қилган (*Россия давлати ижтимоий-сиёсий архиви* – РГАСПИ, 79-фонд, 4-рўйхат, 196-иш, 1-варақ).

Бухоро ҳукумати раҳбарлари ўз норозилик ноталарига РСФСР ҳукумати томонидан радио орқали жавоб берилиши ва Г. Сафаров қилмишлари изоҳланишини талаб қилишди. Улар большевиклар қўлида қўғирчоқ эмасликларини таъкидлашди. Мунаввар Қорининг ёзишича, Бухоро давлати раҳбарларининг норозилик чақиригидан сўнг Г. Сафаров Бухородан Топкентга чақириб олindi.

1921 йил 4 мартда РСФСР ва Бухоро жумҳурияти ўртасида Иттифок шартномаси имзоланди. Бу шартнома мустақил Бухоро давлати ҳудудида совет қўшинлари туришини «қонуний асослаб» бердики, мазкур ҳол Россиянинг БХСР ички ишлари та тўғридан-тўғри, ҳарбий жиҳатдан курулли аралашувидан бошқа нарса эмас эди. Шундай қилиб, Иттифок шартномаси Бухоро ватанпарварларининг қизил армияга қарши олиб бораётган курашларини жуда қийинлаштирди, чунки қудратли шимолий қўшиннинг ҳарбий мадади билангина бу ерда совет ҳокимияти сақлаб турилди.

1921 йил апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида Шарқий Бухорода қизил армиянинг босқинчилик ҳаракатларига қарши оммавий равишда халқ кўзғолонлари бошланиб кетди. «Халқ кўзғолони» – деб маъруза қилган эди 25 июнда 1-Туркистон отликлар дивизиясининг собиқ командири Спасский, – май ойининг дастлабки кунларида бошланди ва Фарм, Балжувон, Файзобод, Кўлоб ва Қоратегин вилоятларини қамраб олди. Кўзғолон кўтарилишига сабаблар кўп эди, энг асосийлари эса қуйидагича: аҳолидан доимий равишда турли-туман нарсаларнинг олинishi, мининг учун уларга пул ўрнида оддий тилхат қогози берилиши, милицияга сафарбарликнинг уқувсизлик билан ўтказилиши. Кўзғолон кўтарганларга Фергондан «босмачилар» келиб қўшилди ва уларга раҳбарлик қила бошлади» (РГАСПИ, 122-фонд, 1-рўйхат, 250-иш, 30–31-варақлар).

Қизил аскарларнинг қўмондонни Спасскийнинг ўзи тан олишича, «жўлдор кийимли, ифлос, оч» босқинчи қизил аскарлар ўртасида мутлақо ингизом йўқ эди. Бу ҳақда Спасский Туркистон фронти Реввоенсовет аъзоси П. Барановга мурожаат қилиб, Шарқий Бухородаги совет қўшинлари ўртасида ҳеч қандай тар-

биявий иш олиб бориш мумкин эмаслигини таъкидлаган эди: «Кўлобда бўлган икки кунлик жанглардан сўнг қизил аскарлар шаҳарни талон-торож этиш учун ёпирилишди. Улар бу ерда қолган аҳолини отиб ташлаб, 50 та аёлни зўрлаб, номуслига тегишди, 140 та аёл бўлса қалъага қочиб бориб яширинишди. Комиссарларнинг бутун ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермапти». (В.А. Генис. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // «Вопросы истории», 1993, № 7, с. 51–52).


Бир томондан истиқлолчилик ҳаракатининг кучайиши ва иккинчи томондан қизил аскарларнинг «босмачилар»га қарши кураш баҳонасида бу ерда қилаётган жиноий ҳаракатлари Бухоро жумҳурияти раҳбарларини қаттиқ ўйлантириб қўйди. Бунинг устига Ёш бухороликларнинг собиқ йўлбошчиси Ф. Хўжаевга ҳукумат ичмда ишлаш ҳам осон кечмаётган эди. Бир тарафдан, Бухоро Компартияси ичидаги сўла ва ўнг коммунистларга қарши ғоявий жиҳатдан кураш олиб боришга тўғри келса, иккинчи тарафдан, РСФСР ва унинг фавқулодда органлари бўлган Турккомиссия, Туркбюро ёш «мустақил давлат»нинг босган ҳар бир қадамини сертаклик билан назорат қилиб турар эди. Мана шундай огир бир вазиятда Бухоро ҳукумати раҳбарлари ва истиқлолчилик ҳаракати йўлбошчилари илгари сурган талаблар бир нуқтага келиб туташди. Чунки ҳар икки томон ҳам қизил армиянинг Бухоро туپроғида ортиқ қолишини истамас, ҳар икки томон ҳам ўзининг асрий анъана ва урф-одатлардан иборат шарқона ахлоқ ҳамда исломий руҳдаги ҳаёт тарзига «коммунистча тўн» кийдирилишини хоҳламас эди. Афсуски, ҳукумат сафидаги миллий ватанпарвар кучлар (собиқ жадидлар) билан муҳолифатдаги қуролли мужоҳид гуруҳлари йўлбошчиларининг очик келишуви амалга олмади. Агар ушбу келишув юз берганида эди, бу нодир ҳодиса Туркистон халқлари миллий озодлик ҳаракати тарихидаги энг шонли саҳифани ташкил қилган бўларди. Ҳолбуки ҳар икки томон ҳам миллий бирлик, тинчлик ва муросага интиланган. Ҳар икки томоннинг ҳам пировард мақсади Туркистонни яхлит ва бир бутун ҳолда ҳақиқий мустақил давлат ҳолида қўриш эди. Бироқ миллатнинг фидоий инсонлари болшевикзмга қарши курашда ўзаро иттифоққа интилан бўлсалар-да, ўзаро бирлаша олмадилар. Бу мураккаб ва

зиддиятли ҳодисани кўплаб архив ҳужжатлари ҳам исботлаб беради.

Келинг, яхшиси далилларга мурожаат қилайлик. Ўша сўронли даврда Бухоро ҳукумати таркибидан турли муддатларда қуйидаги давлат арбоблари муҳолифат сафига очик равишда утиб кетди: 1921 йил августда Бухоро миришабларининг бошлиғи, ЧК раиси Муҳиддин Махсум Хўжаев; 1921 йил ноябрда Шеробод вилояти ҳарбий ноziри Ҳасан Афанди (Ҳасанов) ва Термиз милицияси бошлиғи Усмон Афанди; 1921 йил декабрда Бухоро Марказий Ижроия Кўмитасининг биринчи раиси Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев) ва республика милицияси бошлиғи турк полковниги Али Ризо Афанди, шунингдек, Сурайё Афанди, Дониёлбек; 1922 йил март ойида ҳарбий ишлар ноziри Абдулҳамид Орипов. Бундан ташқари, 1922 йилда мужоҳидлар билан курашни хоҳламаган Бухоро жумҳуриясидаги 1-миллий армиянинг командири туркман Абдулҳаким Кулмухамедов ҳам Афғонистонга жўнаб кетди.

Энди бевоcита архив ҳужжатларига мурожаат этайлик. Мазкур ҳужжатларга кўра, 1921 йил ёзида Файзулла Хўжаевнинг топириғи билан Душанбегга келган Бухоро ҳукуматининг Фавқулодда мухтор вакили Отаулла Хўжаев (1880–1937) бошчилигидаги комиссия Шарқий Бухородаги истиқлолчилик ҳаракати вакиллари билан алоқа ўрнатилиши ва қўрбошилар розилик билдирса икки ўртада шартнома тузиши керак эди. Отаулла Хўжаев Ёш бухороликлар фирқасининг энг кўзга кўринган арбобларидан бири бўлган. Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев) ва Фитрат каби у ҳам Туркиядаги Истанбул мадрасасида таълим олган. Бухоро жумҳурияти ҳукумати таркибидаги қатор масъул лавозимларда хизмат қилган Отаулла Хўжаев таниқли давлат арбоблари Усмон Хўжанинг укаси ва Файзулла Хўжаевнинг амакивачаси ҳисобланади. Бухоро ҳукумати раҳбарлари юқорида айтиб ўтилган Ғарм, Балжувон, Файзобод, Кўлоб ва Қоратегиндаги халқ кўззолонини шундай муроcаю мадора йўли билан тинчитмоқчи эди. Дастлаб Отаулла Хўжаев ўзининг ёрдамчиси Сурайё Афандини Қоратегин беклиги – Ғармга юборди. Ғармдаги нуфузли кишилар ва халқнинг турли табақаларига мансуб вакиллар билан учрашган Сурайё Афанди Қоратегин ва Дарвоздаги муътабар

ФАЙЗУЛЛА ХҲЖАЕВ ШАЖАРАСИ¹



¹ Fayzulla Xujayevning shajarasini uning nevarasi vrach Rudolf [Asad] Barhet va professor Sulaymon Inoytov ma'lumotlari asosida tuzildi – Muallif izohi.

кишиларни О. Хўжаев номидан Балжувонда бўладиган учрашув-га тақлиф қилди (*Ўзбекистон* МДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 42-иш, 17-18-варақлар). Балжувонда О. Хўжаев билан Давлатмандбекнинг учрашиши мўъжизланаётган эди.

Отаулла Хўжаевнинг кўрбошилар билан музокаралари натижасида мужоҳидларнинг йирик йўлбошчилари бўлган Давлатмандбек ва Султон Эшон Балжувон ва Ғарм инқилобий кўмитаси (ревкоми)нинг раислари қилиб тайинланди. Вилоят ревкомларининг раиси қилиб кўрбошиларнинг тайинланиши аҳоли ўртасида уларнинг таъсири ва нуфузини оширди.

Балжувонда 12 августда бўлиб ўтган ушбу учрашувда Отаулла Хўжаев билан Давлатмандбек Камолиддинбей ўғли ўртасида битим-келишув тузилди. Ушбу битим-келишув матни 8 модалдан иборат бўлиб, унинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг архивида сақланмоқда. (Қаранг: *Ражабов К. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш*. – Тошкент: Маънавият, 2002. 70–71-бетлар.)

Файзулла Хўжаев «Танланган асарлар»нинг 1976 йил Тошкентда нашр этилган 1-жилди синчиклаб кўздан кечирилса, унинг кўплаб мақола ва маърузаларида истиқлолчилик ҳаракатига нисбатан бўлган муносабати яққол кўринади. Совет давридаги қиргинлар авжига чиққан бир пайтда ёзилган ва унинг вафотидан кейин қайта нашр қилинган ушбу китобдаги асарларда бу ҳаракатга ижобий муносабат очик равишда билдирилмайди, албатта. Лекин матн синчков тадқиқотчи томонидан андак кунг билан ўқилса, Ф. Хўжаев бу ҳаракатга душманларча муносабада бўлмай, балки хайрихоҳ эканини илгаш қийин эмас. Топатитар тузум даврида раҳбарлик қилган бошқа бирорта давлат арбобининг китобларида биз истиқлолчиларга нисбатан бу қадар эътироф (эҳтиром деб ўқинг!) ва ҳурматни, бунчалик ошқора муносабатни кўрмаймиз. Ф. Хўжаев шахсида намоён бўлган бу ҳолат балки унинг жадидчилик утмиши билан изоҳланади. Эҳтимол, Ф. Хўжаев истиқлолчилар тимида ўзининг ҳазон бўлган миллий давлатчилик орзуларини амалга оширувчиларни кўргандир. Яхшиси, унинг ўз сўзларига мурожаат қилайлик.

Файзулла Хўжаевнинг ёзилича, у Ғузор ва Шахрисабз вилоятларида ҳаракат қилган Жаббор кўрбоши билан музокара-

лар ўтказиб, 1922 йил баҳорида уни Бухоро хукуматида таслим бўлишга кўндирди. Жаббор кўрбоши ва унинг сафдошларига Бухорода эркин яшашлари учун рухсат берилди. Лекин ордан кўп ўтмай Ф. Хўжаев Бухоро шахрида бўлмаган бир пайтда «Жаббор кўрбоши ва бошқалар алдаб қамоққа олинган ва иккинчи кунёқ ... отиб ташланган».

Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос томонларини ёритишда ҳамда Файзулла Хўжаевнинг бу ҳаракатга нисбатан бўлган муносабатини кўрсатишда унинг 1922 йил 5 апрелда РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссари муовини Л. Кабрахан номига ёзган хати ҳам диққатга сазовордир. Ф. Хўжаев ушбу хатида Бухоро Республикасидаги бу ҳаракат қисқа муддат ичида оммавий тус олганлигини, хусусан, таниқли ҳарбий саркарда Анвар Ҳошо Шарқий Бухорога бориб, кўрбоши дасталарига умумий раҳбарликни ўз қўлига олган, миллий озодлик ҳаракати ўзининг энг авж нуқтасига кўтарилганлигини эътироф этади. Ҳатто Шарқий Бухорода бу ҳаракат Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатига нисбатан ҳам кучайиб кетади. Ф. Хўжаев ҳаққоний таъкидлашча, «*Шарқий Бухородаги босмачилик ўзининг стратегик мавқеи жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга ва сиёсий жиҳатдан қараганда Фарғона босмачиларига нисбатан кучлироқдир*» (Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. 1-том, 461-бет).

Кўриниб турибдики, Файзулла Хўжаевнинг ниятлари пок, мақсадлари улуғвор эди. У Бухоро халқини амир зулмидан озод қилган 1920 йилдаги «инқилоб»га етакчилик қилар экан, Бухоро «инқилоби» халқига рўшнолик, озодлик, қолаверса, бир бутун юрт – Туронзаминга мустақиллик олиб келади, деб ўйлаган эди. У Бухоро давлатига бопчилик қилар экан, жуда мураккаб шароитда иш олиб борган ҳамда турли хатолар ва камчиликларга йўл қўйса-да, мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилган. Давр оғир ва бешафқат эди. Сал юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Файзулла Хўжаевга ҳукумат ичида сўддан ҳам, ўнгдан ҳам хуружлар тобора кучайди. Бир томондан Туркистон Комиссияси (Туркомиссия) мустақил давлат – Бухоро жумҳуриятининг ички ишларига кўпол суръатда аралаша бошлади. 1922 йил бошларига келганда Бухоро масаласи жуда кескинлашди. Ана шундай оғир ҳолатда иш олиб бораётган Ф. Хўжаев шу кунларда РСФСРнинг

Туркистон ишлари бўйича комиссияси раисига йўллаган хатига ачиқ киноя ва ғазаб билан Марказнинг Бухоро ишларига ара-лашаётганини қоралайди, кўғирчоқ раҳбар бўлишни хоҳламай ва беҳуда кон тўкилишини истамай, ҳокимиятга улар маъқул кўрган киши қўлига топширишга тайёр эканини билдиради. Файзулла Хўжаев ушбу хатига бундай ёзади:

«... Бу ерда, Бухорода ҳеч бир ҳокимият, ҳеч бир партия биз қилган ва қилаётган ишдан кўнроқ ишни ҳеч қачон қила олмайди.

Сизга жўрғат қилиб шуни айтманки, ... Бухоро-да ҳокимиятга алмаштиришдан иборат бирор эксперимент утказишни зарур деб топсангиз, буни бизга олдиндан хабар қилиб қўйишингизни илтимос қиламиз, бу ишда Сизга хизматимизни аямаймиз ва Сизга ким маъқул бўлса, (унга) ҳокимиятга топши-риб қўя қоламиз.

Бизнинг ҳар қандай ўжарлик қилишимиз ва Сизнинг зўрлик чо-ралари кўришингиз ҳалоқатли бўлишини, Сизлар учун ҳам, бизлар учун ҳам номақбул оқибатлар келтиришини жуда яхши биламиз.

Биз зўрлик билан қилинадиган тўнтаришларни истамаймиз, чунки шундай экспериментлардан сўнг Бухоро муқаррар харо-ба чўлга айланишини жуда яхши биламиз, аминнинг бош кўтариб чиқиши тўғрисида ҳамда қабилавий ва миллий душманлик негизи-да бир қанча қўзғолонлар кўтарилиши ҳақида ганириб ўтирмасак ҳам бўлади» (Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. 1-том, 452-бет).

Бахтга қарши, Файзулла Хўжаевнинг миллий мурося ва кели-шувга, тинчлик ва бирдамликка чорловчи бу каби чақириқлари инқилобий курашларнинг дахшагли пўртаналари остига тарқ бўлди. Мустақил Ўзбекистон Республикасини тузиш орзула-ри ҳам амалга ошмади. Кейинчалик ҳагто унинг ўзи тотали-тар режимнинг қурбонларидан бирига айланди. Ушанда СССР Бош прокурори А. Вишинский давлат қораловчиси сифатида Файзулла Хўжаевни «Мустақил Ўзбекистон Республикаси»ни тузишда айблаган эди. Вишинскийнинг 1938 йил март ойи-да Москва шаҳрида бўлган суддаги айблов ҳуҷасига кўра, Файзулла Хўжаев «Миллий Истиклол» ва «Миллий Иттиҳод» фирқаларини ташкил қилиб, улар ёрдамида қўзғолончилар от-рядларини тузиб, қўрбошилар орқали ўз мақсадларини амал-га оширмоқчи бўлган. Биз учун Вишинскийнинг уша пайтда Файзулла Хўжаевга берган қуйидагича таърифи характерлидир:

«... Сизлар Хўжаевни кўрдингизлар, у ўта маданиятли инсон, ўзи қатнашган курашнинг ўта нозик томонларини бутун майда-чуйда тафсилотлари билан ишдан игнасиғача жуда яхши таҳлил қила олади...» (Вишинский А.Я. Судебные речи. – Москва: Юриличе-ское издательство, 1948. С. 511).

Маълумки, Бухоро давлати 1 550 кунча расман мустақил су-ратда мавжуд бўлди. Юқоридаги сатрлар ёзилган ва Файзулла Хўжаев ачиқ ҳақиқатни аниқлаётган паллада «мустақил Бухоро жумҳурияти» барпо этилганига 500 кунча бўлган эди. Хали Тур-кистон минтақаси бўлиб ташланишига, мустабидлар томонидан бу ерда ўтказилиши лозим «ленинча-сталинча миллий давлат чегараланиши»га анча вақт бор эди. Бу кунлар инқилобга ипо-ниб алданган Файзулла Хўжаевнинг кўзини оча бошлади. Лекин орта қайтиш учун энди йўл йўқ эди.

Шу мулоҳазаларга борар экансан, бутунги кунда Бухо-ро ҳукумати етакчисининг мақсадлари самимийлигига шубҳа билдириш, юмшоқ қилиб айтганда, ноинсофлик экани англа-шилади. Мағбуотда ўқтин-ўқтин бўлса-да, Файзулла Хўжаев фаолиятининг шу томонларини қоралашга интилишлар кўзга ташланмоқдаки, бу масалага енгил-елпи қарашдан бошқа нарса эмас...

Файзулла Хўжаевнинг истиқлолчилик ҳаракатига нисбатан бўлган муносабати бўйича ўз мулоҳазаларимизни яқунлар экан-миз, бу ўринда унинг яна бир фикрини келтириб ўтмоқчимиз. Чунки Москвада 1927 йилда нашр қилинган «Катта Совет Қомуси»нинг 1-нашри 5-жилдидаги «Босмачилик» мақоласининг муаллифи айнан Файзулла Хўжаевдир. Аксарият тарихчилар маъкур муаммо ҳақидаги китобларида бу ихчам тадқиқотни не-гадир четлаб ўтишади. Ҳолбуки, ушбу мақола сағрма-сағр син-чиклаб ўқилса, унда Ф. Хўжаев томонидан ўша давр шароитида жуда қагга журъат ва жасорат билан айтилган ва бутунги кун-да ҳам ўз аҳамиятини мутлақо йўқотмаган талайгина қимматли фикр-мулоҳазалар учрайди. Масалан, Ф. Хўжаев томонидан «босмачилик»га берилган таъриф расмий совет адабиётидаги биринчи баҳодир. Энг муҳими, бу таъриф тарихий ҳақиқатга муайян даражада мос тушади ва нисбатан олганда тўғри таъриф ҳамдир. Қомуснинг кейинги нашрлари ва бошқа расмий адаби-ётларда бу таъриф ўз-ўзидан тушириб қолдирган. Ф. Хўжаев то-

монидан бу ҳаракатга берилган машҳур таъриф қуйидагичадир: «Босмачилик ҳаракати шиддатли сиёсий, аксисовет характер касб этди ва бутун Урта Осиёнинг мавжуд уч республикаси – Бухоро, Туркистон ва Хоразмдаги деҳқонлар аҳолисининг қарийб оммавий ҳаракатига айланди. Ҳаракатнинг дохийлари фақатгина босқинчи тўдаларининг Қуршертмат, Иброҳимбек каби алоҳида бошлиқлари бўлиб қолмасдан, балки унга маҳаллий миллий зиёлилар, мулла ва бойлар ҳам раҳбарлик қила бошладилар...» (Ф. Ходжаев. Басмачество // БСЭ. Т. 5. М.: Советская энциклопедия, 1927. С. 36.)

Файзулла Ҳўжаев бу ерда Иброҳимбек ва Шермухаммадбекни «Босқинчи тўдаларининг бошлиғи» деб ёзишга мажбур бўлган бўлса-да, бутунли кунда унинг «босмачилик»ка баҳо берилган дастлабки расмий китоб – «Қагга Совет Комуси»да бу ҳаракатнинг деҳқонлар ўртасида оммавий тус олганлиги, ҳаракат дохийларининг аксарияти миллий зиёлилар ва ваганпарварлардан иборат эканлиги тўғрисида айтган эътирофлари биз учун қимматлидир.

«Миллий Иттиҳод» ташкилотининг ғоявий раҳнамоси

Хорижий мамлакатларда нашр қилинган Аҳмад Закий Валидий Тўгон ва Боймирза Ҳайитнинг айрим китобларида ва сўнги йилларда республикаимиз матбуотида эълон қилинган баъзи мақолаларда ёзилишича, 1920 йилнинг куздаёқ бир гуруҳ собиқ Ёш бухоролик жадидлар Файзулла Ҳўжаев бошчилигида Бухоро шаҳрида «Миллий Иттиҳод» ташкилотини тузишган эди. Бу ташкилот ярим яшрин ҳолатда иш олиб борган. 1920 йил декабрь ойида Бухоро шаҳрига машҳур бошқирд тараққийпарвари Аҳмад Закий Валидийнинг келиши билан ташкилот ўз фаолиятини кенгайтирди, унинг аъзолари Бухоро жумҳурияти доирасидан чиқиб, бутун Туркистон тупроғи бўйича ҳаракат қилдилар. Ташкилотнинг асосий мақсади Бухоро жумҳурияти ва умуман Туркистон минтақасини советлаштириш ва руслаштириш таъсиридан сақлаб қолиш, чин маънодаги мустақиллик ва истиқлолга

эришиш эди. Бунинг учун курашнинг опшора ва яширин усулларида фойдаланиш кўзда тутилди. Ташкилотда Файзулла Ҳўжаев, Отаулла Ҳўжаев, Фитрат, Муинжон Аминов, Мукамил Буронов, Ибодулла Ҳўжаев ва бошқалар фаол иш юритганлар.

Туркистонда ўша даврдаги сиёсий курашнинг марказида турган сиймолардан бири ҳозиргина исми зикр этиб ўтилган Аҳмад Закий Валидий Тўгон (1890–1970) эди. Валидий 1920 йил декабрдан то 1921 йил ноябргача Бухоро шаҳрида яшаб, Туркистон, Бухоро ва Хоразмдаги истиқлолчилик ҳаракатини ягона маркага уюштириш учун қагга ишларни қилди. Закий Валидий кейинчалик ўзининг машҳур «Хотиралар» китобида эслашича, у билан Анвар Пошо (1881–1922) ва Файзулла Ҳўжаев ўртасида 1921 йил октябрь-ноябрь ойларида Бухоро шаҳрида қизгин суҳбат ва мунозаралар бўлган. Бу суҳбатлардан кейин Ф. Ҳўжаев Анвар Пошонинг Шарқий Бухорога бориб, истиқлолчилар сафига очиқ равишда қўшилишини ва Закий Валидийнинг Бухоро жумҳуриятини тарқ этишини тушуниб етди. Ф. Ҳўжаев Закий Валидий билан сўнги учрашувда ички бир дара билан айтишича, у энди «босмачилик»ка қарши очиқ равишда кураш олиб боришга мажбур бўлади. Ҳолбуки, руслар ундан бу ишни кўп вақтдан буён талаб қилишмоқда эди.

Дикқатга сазовор бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш кераки, Закий Валидий «Хотиралар» китобида Файзулла Ҳўжаев шахсиятига баҳо берар экан, уни самимий сўзлар билан тасвирлайди. Тарихий шахсларни баҳолашда мақтовни ёқтирмаган Валидийнинг ўз замондошига нисбатан бундай илиқ муносабати Ф. Ҳўжаев ҳақида қўрсатади. Ф. Ҳўжаев ўша пайтда Бухоро шаҳрида турган Валидий ва Анвар Пошони, советлар талаб қилишига қарамай, уларнинг қўлига топширмади. (Бу ҳақда қаранг: Аҳмад Закий Валидий Тўгон. Бўлинггани бўри ер (Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар). – Тошкент: Адалат, 1997. 133–135-бетлар.)

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архиви, Тошкент ва Москвадаги бошқа архивлардан топишган янги маълумотлар асосида «Миллий Иттиҳод» ташкилотининг фаолияти ва унда Файзулла Ҳўжаевнинг тутган ўрни масаласига

қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. Архив ҳужжатларининг таҳлили бу мураккаб муаммони бир қадар ойдинлаштиради, деган умиддамиз.

Маълумки, Туркистон жадидалари томонидан ташкил қилинган «Миллий Иттиҳод» яширин ташкилоти 1919–1925 йилларда фаолият кўрсатган. Ташкилот Садриддинхон Шарифхўжаев (1878, Тошкент – 1946, Қандаҳор) ва Мунаввар Қори Абдурашидхонов (1878, Тошкент – 1931, Москва) ташаббуси билан дастлаб Тошкентда «Иттиҳоди тараққий» яширин ташкилоти асосида 1919 йили ташкил топган.

«Миллий Иттиҳод» ташкилоти большевиклар режимида қарши курашда совет муассасаларида хизмат қилаётган миллий раҳбар ходимларга таянган ва ўз олдига Туркистонда миллий мустақил давлатни барпо этишни бош мақсад қилиб қўйган.

«Миллий Иттиҳод» ташкилотининг ўзагини ўз Ваганининг мустақиллиги йўлида курашга тайёр бўлган тараққийпарвар зиёлилар ташкил этдилар.

1920 йилдан бошлаб ташкилотнинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм шўъбалари ташкил қилинди. 1920 йил кузиди Бухоро жумҳуриятининг ташкил топиши ташкилот аъзоларида келажакка умид билан қарашга асос бўлди. 1920 йил ноябрь ойида Мунаввар Қорининг Бухорога бориши ва Бухоро Халқ Совет Республикаси Маориф нозирлигида вақф бўлими муdiri вазифасида ишлаши билан ташкилот маркази Тошкентдан Бухорога кўчди. Бухорода 5 кишидан иборат Марказий Қўмига ташкил қилиниб, унга Мунаввар Қори, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, Абдуқодир Қушбегиев ва бошқалар киритилди. Ташкилот қайта тузилиб, унинг янги дастури ва низоми ишлаб чиқиладди, муҳри тасдиқланади. Архив ҳужжатларида кўрсатилишича, Ёш бухороликлар фирқасининг собиқ аъзолари бўлган Фитрат, Fayзулла Хўжаев, Абдулҳамид Орипов, Мукамил Бурҳонов, Абдулқодир Мухитдинов, Усмон Хўжа, Муинжон Аминов, Хошим Шойик, Порсо Хўжаев ва бошқалар «Миллий Иттиҳод» ташкилоти фаолиятида иштирок қилдилар. Валидининг Бухорога келиши ва «Туркистон миллий бирлиги» ташкилоти тузилиши билан (1921 йил август) «Миллий Иттиҳод» ташкилоти фаолияти янада кучайди. Кейинчалик Қўлпон,

Саидносир Миржалилов, Обиджон Маҳмудов, Топшўлатбек Норбўтабеков, Бекжон Раҳмонов, Абдулла Авлоний ҳам ташкилот фаолиятига яқиндан ёрдам бердилар.

Fayзулла Хўжаев «Миллий Иттиҳод» ташкилоти фаолиятига қатъа эътибор билан қараган. У ўзининг большевиклар олдидати юқори мавқеи ва БХСР ҳукумати бошлиғи (Бош вазир) лаозимига салбий таъсир кўрсатишига қарамасдан ташкилот аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган, ташкилот фаолиятини ривожлантириш ва кучайтириш учун қатъа маблағ ажратган. Fayзулла Хўжаев ташкилотнинг ғоявий раҳнамоси сифатида унинг фаолиятини ягона мақсадга – яхлит Туркистон давлатини тузишга қаратган. Унинг фикрича, бутун Турон минтақасида большевиклардан мустақил ягона туркий давлатни ташкил қилиш лозим эди.

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши арафасида – 1924 йил охирида «Миллий Иттиҳод» ташкилотининг маркази қайта Тошкентга кўчди. Вилоят шўъбалари янги ходимлар билан кенгайтирилади. Ўзбекистон ССР ташкил топгач, ТПУ томонидан ҳар томонлама сиқув остига олинган «Миллий Иттиҳод» 1925 йил бошларида ўзини тарқатилган деб эълон қилади ва кейинчалик унинг асосида «Миллий Иттиҳод» ташкилоти тузилади. Бу яширин ташкилот 1926–1929 йилларда мавжуд бўлиб, унинг фаолиятида Салимхон Тилахоннов муҳим роль ўйнайди. Кейинчалик бухоролик ва фарғоналик миллий иттиҳодчилар ҳам бу ташкилотга келиб қўшилидилар. «Миллий Иттиҳод» ташкилоти нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиёда демократик республика тамойилларига асосланган тузум ўрнатишни ўз фаолиятининг асосий йўналиши деб ҳисоблади. Бироқ совет давлати мустаҳкамлана бориши билан ташкилот ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. (Қаранг: Н. Қаримов, Қ. Ражабов. «Миллий Иттиҳод» // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. – Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2003, 661–662-бетлар.)

1929 йил ноябрда Тошкентда Мунаввар Қори бошчилигидаги 38 киши (кейинчалик уларнинг сони 87 кишига етди) бу ташкилотнинг аъзоси сифатида қамоққа олинди. Сўнгра тергов жараёни Тошкентдан Москвага кўчирилди ва улар қатъон қилинди.

1931 йил 25 апрелда Москвада Мунаввар Қори бопчилигидаги 15 киши отиб ташланди, қолган тараққийпарварлар эса узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

«Миллий Истиқлол» ташкилоти фаолиятига ҳам Файзулла Хўжаев бефарқ бўлмаган. Бу вақтда у Ўзбекистон ССР ҳукуматининг раҳбари бўлишига қарамасдан ташкилотнинг гоявий раҳнамоси сифатида унинг аъзоларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Айнан Файзулла Хўжаевнинг ҳимояси остида бўлган ташкилот аъзолари 1929 йил кеч кузигача очикда юришган.

Шунингдек, Файзулла Хўжаев янги ташкил тошган Ўзбекистон ССРнинг сиёсий элитаси вакиллари кирган Ўн саккизлар гуруҳи (1925) аъзоларини ҳам гоявий жиҳатдан қувватлаган. Ўн саккизлар гуруҳи аъзолари ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси Ўзбекистонда юритаётган мустамаलाқчилик сиёсатига қарши чиқишган эди.

Файзулла Хўжаевнинг «олтин» бопи

Тарихдан маълумки, 1924 йил охири ва 1925 йил бопларига Ўрта Осиёда миллий-хўудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР ташкил топди. Файзулла Хўжаев бу мураккаб даврда Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитаси (Ревком) – Муваққат ишчи-деҳқон ҳукумати раиси (1924 йил ноябрь – 1925 йил февраль) лавозимига ишлади. У 1925–1937 йилларда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ва СССР МИК раисларидан бири бўлди.

Файзулла Хўжаев ўз фаолияти давомида ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий равақига хизмат қилувчи талбирларни амалга оширишга интилди. У ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ва Ўзбекистон Компартияси МКга нисбатан муҳолифат мавқеида турган Ўн саккизлар гуруҳи (1925 йил ноябрь)нинг гоявий раҳнамоси бўлган, кулоқларни синф сифатида тутатиш сиёсатини ёқламаган, Ўзбекистонда ёшласига чигит экилиши пахта яккахокимлигига олиб келади, деб ҳисоблаган. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш қучларини ўрганишга бағишлаб Ленинградда ўтказилган махсус илмий конференция (1932 йил 19–28 декабрь) да Файзулла Хўжаев қилган маърузада Ўзбекистон манфаатлари

ҳимоя қилинган. Аини пайтда Ф. Хўжаев Ўзбекистонда замонавий спорт иншоотлари қурилишида ташаббускор бўлган.

Файзулла Хўжаевнинг фаолияти ниҳоятда кўп қиррали эди. Файзулла Хўжаев давлат арбоби, тарихчи ва иқтисодчи олим, публицист-журналист сифатида ўзбек ва рус тилларида ўздан бой илмий мерос қолдирган. 1925–1937 йилларда унинг 16 та китоби ва 200 дан ортиқ мақолалари нашр қилинган. Хусусан, унинг «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» (1926), «Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тарихига доир» (1932), «Ўзбекистон юксалишда» (1936) китоблари ва русча ёзилган «БХСРдаги иқтисодий аҳвол» (1924), «Ёш бухгалтерлар тўғрисида» (1926), «Жадидлар» (1926), «Босмачилик» (1930) мақолаларида Ўзбекистон тарихининг XX аср биринчи чорагидаги жиддий муаммолар ёритилган эди.

Файзулла Хўжаев XX асрда совет даврида нафақат Ўзбекистондан, балки бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари сиёсатдонлари орасидан етишиб чиққан энг етуқ заковатли давлат арбоби эди. У 42 йил умр кўрган бўлса, шундан узлуксиз 17 йил давомида Бухоро жумҳурияти ва Ўзбекистон ССР ҳукуматларини бопқарди. Афсуски, Ф. Хўжаев ҳали 41 ёшга ҳам тўлмаган бир пайтда, авжи қирчиллама ёшида қирчинидан қийилди – қагагон қилинди.

Кажрафтор фалакнинг сирру асрорларини қарангки, 24 ёшида Бухородаги инқилобга етакчилик қилиб, Бухоро Халқ Нозирлар Шўросининг раиси бўлган (тарихда бу ёшда сулоаларнинг вакилларидан ташқари, ҳокимият тепасига келган бошқа бирорта давлат арбоби топилаармикан?!), орадан тўрт йил ўтиб, Ўзбекистон жумҳурияти ташкил топгач, унинг биринчи ҳукумат бошлиғи лавозимини эгаллаган бу фидойи инсон ўзи хизмат қилган мафкура номидан ўлимга ҳукм қилиниб, бу ҳукм яна коммунисттик эътиқод ўчоғи – қизил Москвада амалга оширилса?! Эҳтимол, Файзулла Хўжаевнинг улкан бахти ҳам, мислсиз фожияси ҳам шундадир...

Ўзбекистон Компартияси VII съезди (1937 йил 10–17 июнь)да Файзулла Хўжаевнинг «миллатчилик» фаолияти фош қилинган, у ВКП(б) ва СССР раҳбари И. Сталин билан учрашиш учун оиласини олди ва Москвага жўнаб кетди. Бироқ Сталин уни қабул

қилишдан бош торғди. Файзулла Хўжаев 1937 йил 9 июлда Москвада «Националь» меҳмонхонасида қамоққа олинди ва Лефортово қамоқхонасига ташланди. Унга совет ҳокимиятига қарши «аксилсовет ўнг троцкийчи блок» фаолиятига қўшилганлик ҳамда «Миллий Иттиҳод» яширин ташкилоти фаолиятига 1921–1924 йилларда раҳбарлик қилганлик, «босмачилик» ҳаракати ва қўрбошиларни қўллаб-қувватлаганлик, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва бошқа ўзбек зиёлиларига ғамхўрлик кўрсатганлик каби айбловлар қўйилди. Узоқ давом этган қийноқлардан кейин Акмал Икромов, Н. Бухарин, А. Риков ва бошқалар (17 киши) билан биргаликда Файзулла Хўжаев ҳам СССР Олий суди Харбий коллегиясининг қарори билан отишга ҳукм қилинди (1938 йил 13 март). Ҳукм Москва атрофидаги Бутово қаглогҳида 1938 йил 15 март куни ижро этилган. Яна 4 киши узоқ муддатли қамоқ жаозасига ҳукм қилинди.

Совет режимининг қатагон сиёсати Файзулла Хўжаевнинг улкан хонадонини ҳам чеглаб ўтмади. Файзулла Хўжаев қамоққа олинган, унинг қарамоғидаги катта хонадон аъзолари (16 киши) ҳам совет режими томонидан қатагон қилинди. Файзулла Хўжаевнинг онаси Райхон Саидмурод қизи, рафиқаси Малика Мухаммаджон қизи Хўжаева (1903–1957), қизи Вилоят Хўжаева (1921–1987) қамоққа ташланди (1937 йил сентябрь–октябрь). Унинг онаси Робия Хўжаева (1895–тахминан 1962), янгаси Амина Хўжаева ва жиянлари ҳамда асранди ўғли ва қизи қўлга олиниб, турли жойларга сургун қилинди, айримлари қамоқхонага ташланди. Уларнинг кўпчилигига Ўзбекистонни қайта кўриш насиб этмади. Унинг акиси Ибодулло Хўжаев тазйиқларга чидай олмай 1936 йили ўзини отиб ўлдирган эди. Тоталитар совет режими ўзининг мудҳиш сиёсатини Файзулла Хўжаев ва унинг хонадони аъзоларини қатагон қилиш орқали яна бир бор намойиш этди.

Чех адиби Эгон Эрвин Киш 1934 йилда бундай деб ёзганди: «Бухорога келганимдан кейин мени Файзулла Хўжаев қизиқтирди. Файзулла Хўжаевнинг бошига шунчалик кўп олтин ваъда қилинган эдики, дунёдаги бирор бир бош шунчалик юқори нархланмаган эди». Ўшанда ёзувчи бу олтин бошни – амир сарбозлари кесолмаган, «босмачилар» қиличи чополмаган, оқ гвардиячилар ўқи ўтмаган, ўн мартача ажалдан омон қолган афсонавий бошни «одил со-

вет қонуналари» осонгина танидан жудо қилишини, уни Москва кнанинг алақайси кунжига жанозасиз кўмиб юборишларини пайқаганимкан?.. Шундай дақиқаларда алам ва изтироб ила эл ардоғидаги Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф (1954–2001) нинг ушбу мисраларини пичрлаганингни сезмайсан киши:

Сизни қийнаган ким, Сизни сотган ким,
Сизни отганлар ким – билмайди ҳеч ким.
Сиз кетган тарафдан келмайди ҳеч ким,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?..

Юракка санчилиб азёр отган ўқ,
Ётарсиз ерга ҳам озорингиз йўқ.
Йўқлаб борай десак мазорингиз йўқ,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?..

(Мухаммад Юсуф. Ишқ кемаси (Шеърлар).
– Тошкент, 1991. 190-бет).

Файзулла Хўжаев инкилобчи ва давлат арбоби бўлмаганида ҳам машхур тарихчи, кучли иқтисодчи ёки қалами ўткир журналист бўлиши мумкин эди. Унда олимлик иқтидори инкилобчининг курашларга бой фаолияти билан уйғунлашиб кетган эди. Шу ўринда машхур рус ёзувчиси Галина Серебрякованинг сургунда Файзулла Хўжаевнинг қизи Вилоят Хўжаевага айтган сўзлари юқоридаги фикримизни янада тўлдиради: «От-ангиз баҳоси йўқ одам эди. Таъбир жоиз бўлса, мен Файзуллани Фридрих Энгельс билан қийслашим мумкин. Менга Ўрта Осиё халқлари тарихи, айниқса, кўҳна Самарқанду Бухоро ҳақида илк бор маълумот берган инсон Файзулла Хўжаев бўлади. У менга урта аср жаҳонгир Амир Темурнинг юришлари тўғрисида соатлаб эринмай, зўр завқ-шавқ билан гапириб берад эди» (М. Хасанов. Файзулла Хўжаев. Т.: «Ўзбекистон», 1990. 185, 200-бетлар).

Файзулла Хўжаев Ўрта Осиё жумҳурияларидан чиққан биринчи армия генерали – командарм (армия қўмондони) бўлганлиги, 13 йил давомида Ўзбекистон СССР ҳукумати раҳбарлик қилганлиги, ўн йилдан ошқ СССР Марказий Иж-роия Комитетининг олти раисидан бири бўлиб турганлиги,

моҳир дипломат ва истеъдодли тарихнавис эканлиги ҳақида биз ушбу рисолада сўз юритмадик. Файзулла Хўжаев камдан-кам давлат аробларигагина насиб бўладиган бахтга – халқнинг чинакам меҳр-муҳаббати ва эъзозига сазовор бўлган сиймодир. Тирикчилигдаёқ унинг номи сўнмас шон-шухрат қозонган, афсонавий даражада машҳур эди.

Файзулла Хўжаев йирик савдогар оиласида дунёга келганини, унинг отаси Бухоро амирлигидаги энг бадавлат киши бўлганлигини кўпчилик яхши билади. Архив хужжатлари бўйича (Ўзбекистон МДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 122-иш, 2-варақ) фикр юритсак, Ф. Хўжаев Бухорода амирлик тузуми алдариб ташлангандан кейин отасидан қолган барча бойликларини – 25 пул қуйма тилла, 4,8 миллион тилла танга (1913 йил пул ҳисоби билан), 5 пулга яқин қумуш танга, 7 миллион олтин сўм агрофидаги кредит қозғалари ва бошқа бойликларни Шўролар ҳукумати ихтиёрига топширган. Бу фақат Файзуллага тегишли ота мерос бойликлар. 1920 йил сентябрда эса Бухородан дунёдаги энг бой хазина ҳисобланмиш Бухоро амири хазинасидаги тилла ва бошқа қимматбаҳо буюмлар ортилган икки эшелон юк Москвага олиб кетилган эди. Бухородан талаб қетилган бу ва бошқа бойликлар ҳақидаги ҳақиқатни айтиш фурсати энди келди-ю, лекин қанча тапирган билан бу бойликлар барибир Ўзбекистонга қайтариб берилмайдиган...

Хуллас, инқилоб учун нафақат ўз мол-мулкни, балки бутун онгли фаолиятини бағишлаган Ф. Хўжаев жонини ҳам инқилоб жаноби олийларига бахшида этди. Мўъжиза юз бериб вақт машинасига ўхшаган қурилма ихтиро қилинса-ю, биз яқин ўтмишимизга – 1937–1938 йилларга қайта олсак, Москвадаги НКВД қамокхоналарининг зах ва совуқ ертўлларида тутқунликда ётган бу инсон изтиробларини, ўлим олдида унинг қалбидан кечган туғёнларию кечинмаларини бир қалар тушунган бўлармидик?! Улуг ғоялар номи билан алданган инсоннинг бутун фожиасини, ўзбек халқи фарзандларининг шўр қисматини, уша улкан қирғиннинг таърифга сикмас важоҳатю уқубатларини салгина ҳис этган бўлармидик?! Булар аламли ўйлар, армонли туйғулар, ёш юрак изтиробларидир. Агар инсон руҳининг абадийлиги рост бўлса, жисмидан мосуво қилинган

бу руҳ балки чоракам бир асрдан ошқ пайт чирқиллаб, ўз соҳибини излаб юрндир...

Эл ардоғидаги назаркарда инсон ва миннатдор авлодлар эҳтироми

Файзулла Хўжаев ўзининг бутун онгли ҳаётини ўзбек халқи ва Ўзбекистон тараққиётига бағишлади. Миннатдор авлодлар хотирасида у ўзбек халқининг шонли фарзанди сифатида манту муҳрланиб қолган.

Файзулла Хўжаев ҳақида замондошлари бўлган жуда кўп машҳур инсонлар ўз фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтишган. Биз қуйида ана шундай эътирофлардан фақат иккитасини келтириб ўтмоқчимиз.

Машҳур рус ёзувчиси Галина Серебрякова XX аср 20-йилларида «Известия» газетасининг Ўзбекистондаги мухбири бўлган. У Файзулла Хўжаевнинг нотиклик санъати тўғрисида қуйидагича ёзиб қолдирган:

«Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қотиби Акмал Икромовнинг уйида учрашдик. Файзулла Хўжаевни ҳамма ерда жумҳуриятнинг энг ақлли ва ҳаққоний кишии дейишар эди... Унинг довораклиги, ажойиб дипломатик қобилияти, яхшигина маълумот эгаси эканлиги тўғрисида кўп эшитган эдим. Файзулла Хўжаев паст бўйли, қотмадан келган ва ўсмирларга ўхшаш оғзин экан. Осиёликларга хос чуқур кўзли ҳамда узун кинрикли Файзулланинг хушбичим юзини бир вақтлар у озриган пендинка касали қолдирган чандиқ бироз бузиб турарди. А. Икромов одамлар орасида қанчалик серган, ҳазилкаши, қувноқ бўлса, Файзулла шунчалик камган ва тўғерироғи гамгин бўларди. У суҳбатдошини гўё ўзи билан таҳқослаётгандек унга жиддий тикилиб қарарди.

Бир катта сайловолди йиғилишида ўзбек давлат раҳбарларининг нутқларини эшитганман... Бу сифар А. Икромов кескин совуққонлиги билан, Файзулла Хўжаев бўлса ўз овозининг, қўл ҳаракатлари ва сўзларининг фавқулодда жўшқинлиги билан мени ҳайратда қолдиришди. Файзулла Хўжаевнинг нутқи йиғилишдагиларга нихоятда жозибали таъсир этиб, улар ҳиссини тўлқинлантириб юборди. Тўпланганлар турли ҳайқириклар би-

лап жавоб берар, ўтирган ўричларидан туриб кетар, маъқуллаб қўлларини силтар эдилар. Файзулла Хўжаев минбарда менга нуруний ва жуда ҳам чиройли бўлиб кўринди. Мен кишиларнинг ижод жараёнида, ҳаракат пайтида қанчалик улуғвор бўлиб кетишларини кўп кўрганман... Файзуллада ўз гоёси учун ҳақиқий курашчининг хусусияти бор эди». (Қаранг: Г. Серебрякова. Люди великого дела // «Литературная Россия», 24 марта 1967 г.)

Машхур геолог олим академик А.С. Уклонский адабиётшунос олим ва адиб Мажид Ҳасановга 1967 йил 2 майда Файзулла Хўжаев ҳақида қуйидаги фикрларни айтган экан:

«Файзулла Хўжаев ноёб таланти эгаси эди. У том матъодаги Европа маданиятини эгаллаган зиёли, меҳнаткаш халқнинг ҳурматиغا сазовор бўлган, ўз халқи, она-Ватани учун фидойи инсон эди. Бундай буюк истеъдод эгалари ҳар бир халқ тарихида юз, икки юз йиллар ичида бир келиб кетиши мумкин. Жумҳуриятнинг тўнғич ГЭСи – Бўзсув қурилиши (1923–1926) муносабати билан менга Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев билан бир неча марта учрашиш ва суҳбатлашишга тўғри келди...»

Файзулла Хўжаев ҳақидаги эътирофлар Ғарбу Шарқда бугунги кунда ҳам такрор-такрор айтилмоқда. Индиана университети (АҚШ) политология бўлимининг битирувчиси Д. Рожер 1991 йилда «Файзулла Хўжаев: Бухоро ва Совет Ўзбекистониди миллий коммунизм» мавзuida диссертация ёзган. Гарвард университети (АҚШ) профессор, таниқли политолог Дональд Карлайл Файзулла Хўжаев шахсиятига юқори баҳо бериб, унинг ўзбек халқи давлагчилиги тарихидаги ўрнини қуйидагича кўрсатган: «Файзулла Хўжаев – Ўзбекистоннинг айнан шу навқирон Бош вазир ўз мамлакатини порлоқ келажаги режаларининг, бугунги кунда Президент И. Каримов зўр қатъият ва ирода билан рўйга чиқараётган режаларининг яратувчиси эди» (Қаранг: Л. Лезитин ва Д.С. Карлайл. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президентини. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 39-бет).

Файзулла Хўжаев совет режими томонидан 1938 йили Москвада отиб ташлангач, қарийб 30 йил давомида унинг номини тилга олиш ва у ҳақда ҳатто гапириш қаттиқ тақиқланди. 1965 йил 6 мартда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси Файзулла Хўжаевни айбсиз деб тоғди ва оқлади. Ўзбекистон ҳукумати 1967

йил 28 февралда Файзулла Хўжаев хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорга биноан 1970–1973 йилларда рус тилида, 1976–1980 йилларда ўзбек тилида Файзулла Хўжаевнинг уч жилдлик «Танланган асарлар» китоби нашр қилинди. Тарихчи Қ. Тиллаев Файзулла Хўжаевнинг партия ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти ёритилган номзодлик диссертациясини ҳамоя қилди (1972). Хукуқшунос олим О. Эпонов ўзбек ва рус тилларида «Файзулла Хўжаев» рисоласини чоп эттирди (1972–1973).

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда янги босқич бошланди. 1996 йили Ўзбекистонда Ф. Хўжаевнинг 100 йиллик юбилейи нишонланди. Тошкентда бу санага бағишланган илмий анжуман ўтказилди. Файзулла Хўжаев асарлари ва у ҳақидаги тадқиқотлар нашр этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан 2011 йилда Файзулла Хўжаев таваллудининг 115 йиллигига бағишлаб «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи (Тошкент шаҳри)да илмий-назарий конференция ўтказилди.

Тарихчи Н. Маҳкамova (1995) ва хукуқшунос Н. Азизов (1996) Файзулла Хўжаев фаолияти ҳақида номзодлик диссертацияларини ҳамоя қилишди. Айни пайтда Навоий Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси У. Ҳайитов «Файзулла Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва унинг Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларда тутган ўрни» мавзусидаги номзодлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда (2010 йилдан).

Пўлкан шоирнинг «Файзулла» достони, Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жинқучалари» қисаси, Комил Яппининг «Инқилоб тонги (Бухоро)» драмаси, Нусратилла Наймовнинг «Мен япашни истаман» роман-хроникаси, Муҳаммад Юсуфнинг «Файзулла Хўжаев марсияси» ва бошқа асарлар Ф. Хўжаев фаолиятига бағишланган. Мажид Ҳасанов ва Шароф Ботбеков 1986 йили «Файзулла Хўжаев» киносценарийсини ёзган.

Файзулла Хўжаевнинг хотираси мамлакатимизда абадийлаштирилган. Бухоро давлат университети, Бухоро шаҳридаги маданият коллежи, Бухоро шаҳридаги кўча, Самарқанд кишлоқ хўжалик институти, Тошкентдаги метро бекати ва кўча, республикаимиздаги кўплаб кўчалар, мактаб ва маҳаллалар Файзулла

ла Хўжаев номи билан аталади. Бухорода унинг ҳайкали ва уй-музейи мавжуд.
Файзулла Хўжаев 1922 йили БХСРнинг Қизил юлдуз (I даражали) ордени билан мукофотланган эди.



Файзулла Хўжаев таваллудига ушбу 2011 йилда 115 йил ҳам тўлди. Юз ўн беш йил оқсоч тарих учун нима деган гап?! У бир киприк қоққунчалик фурсат, холос. Орадан асрлар, минг йиллар бир-бирини қувалаб ўтади. Файзулла Хўжаев ҳамма замонлар учун ҳам эл ардоғидаги бир суюкли инсон сифатида унинг хотирасида мангу яшайверади. Зеро биз Файзулла Хўжаев яшаган даврдан қанчалик узоқлашсак, унинг мўътабар сиймоси бизга шу қадар ёрқинроқ кўринади. Лабларим эса шу лаҳзаларда Туркистоннинг буюк эрксевар шоири оташнафас Ҷўлпоннинг саг'рларини аста пичирлайди:

Ёлғиз, бир ўчиб, ... бир сўниш бордир,
Бир ўчиб, сўниб... яна ёниш бор...

1991 йил февраль; 1996 йил май; 2008 йил сентябрь.

Р.С. Файзулла Хўжаев ҳақида ёзилган тарихий эссе (рисола)ни нашрга тайёрлаш жараёнида муаллиф унинг Тошкент шаҳрида яшовчи невараси Рудольф (Асад) Викторович Бархет (1940 йилда Шарқий Қозоғистон вилояти маркази Усть-Каменогорск шаҳрида туғилган) билан учрашди. Ҳозирги пайтда у 71 ёшда бўлиб, Тошкентнинг Юнусобод мавзесида истикомат қилади. Р.В. Бархет хонадонидан 2011 йил 2 мартда бўлган мулоқотда муаллиф Вилоят Хўжаеванинг қатта ўғлидан онаси ва Файзулла Хўжаев хонадони азолари туғрисида муҳим маълумотлар олди. Бу маълумотлардан Файзулла Хўжаев шажарасини тузишда фойдаланилди.

Муҳаммад Юсуф ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ МАРСИЯСИ (Достондан парча)

Қадим Бухорога лайлақлар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?
Ривоятлар келди, эртақлар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?
Биз-ку эртақни ҳам сургаймиз кўзга,
Муштоқмиз хабарга, муштоқмиз сўзга,
Ҳаммадан ҳам кўнроқ муштоқмиз сизга,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?
Бобоюрт боғлари сиздан хотира,
Чақнар чироқлари сиздан хотира,
Кўёш булоқлари сиздан хотира,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?
Қўймадик жойига эъзозингизни,
Айтмай кетдингиз-ку дил розингизни,
Тинглаб юрармизу овозингизни,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?
Йиллар Самарқандга сирдош Бухоро,
Минорада ухлар қўёш Бухоро,
Ибн Синолари талош Бухоро,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?
Тупроқнинг инсонга тортиқлари кўп,
Тортигидан жонга оғриқлари кўп,
Гуллаган воҳанинг нотиқлари кўп,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?...
Қадим Бухорога лайлақлар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?
Ривоятлар келди, эртақлар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?!
1988 йил

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – М.: СССР халқлари марказий давлат нашриёти, 1926.
2. Алимова Д. Файзулла Хўжаев ва жадидчилик // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1996 йил 7 июнь.
3. Алимова Д. Файзулла Хўжаев: икки ўт орасидаги ҳаёт // «Фан ва турмуш», 1996. №5. – Б. 10–13.
4. Алимова Д. А. Жадидизм в Средней Азии. Пути обновления, формы, борьбы за независимость. – Т.: Узбекистан, 2000.
5. Мир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Формасидан А. Ирисов таржимаси. – Т.: Фан, 1991.
6. Аҳмад Закий Валидий Тўгон. Бўлингани бўри ер (Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар). Бошқирда тилидан Ш. Турдиев таржимаси. – Т.: Адолат, 1997.
7. Бақоев М. Файзулла Хўжаев – журналист ва публицист. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
8. Ваҳобов М.Г. Файзулла Хўжаев // Мангу барҳаёт сиймолар. – Т.: Ўзбекистон, 1968. – Б. 385–409.
9. Вышинский А.Я. Судебные речи. – М.: Юридическое издательство, 1948.
10. Генис В. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // «Вопросы истории», 1993. №7. С. 39–53.
11. Генис В. «С Бухарой надо кончать...» К истории бугафорских революций. Документальная хроника. – М.: МНПИ, 2001.
12. Давлатова М. Кафдаги бахт... // «Саодат», 1992. №3–4. – Б. 22–23.
13. Иноятов С., Алимов А. Бухарский дом просвещения в Москве. – Навои, 1996.
14. Левитин Л. ва Карлайл Д.С. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
15. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи С. Холбоев. – Т.: Шарқ, 2001.

16. Мухаммад Юсуф. Ишқ кемаси (Шеърлар). – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.
17. Мухаммад Юсуф. Сайланма (Шеърлар, достон). – Т.: Шарқ, 2001.
18. Наимов Н. Мен яшашни истайман! (Роман-хроника). – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 1994.
19. Ражабов Қ. Ўчиб, сўниб... яна ёниш бор... Ёҳуд Файзулла Хўжаев ҳақида марсия // «Тошкент университети», 1994 йил 11 январь.
20. Ражабов Қ. Орзу ва армон // «Ватан», 1996 йил 4–11 июль.
21. Ражабов Қ. Ўчиб, сўниб... яна ёниш бор... // «Жамият ва бошқарув», 1997, №2. – Б. 37–41.
22. Ражабов Қ. Файзулла Хўжаев ва миллий истиқлол ҳаракати // Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. Мазъул муҳаррир Д.А. Алимова. – Т.: Фан, 1997.
23. Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917–1935 йиллар). – Т.: Ўзбекистон, 2000.
24. Ражабов Қ. Бухорога кизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920–1924 йиллар). – Т.: Маънавият, 2000.
25. Ражабов Қ. Хўжаев Файзулла // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2005. – Б. 530–531.
26. Ражабов Қ.К. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924 гг.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т.: 2005.
27. Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – М.: Госиздат, 1921.
28. Содиқов Й. Файзулла Хўжаев – атоқли давлат арбоби. – Т.: Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти, 1969.
29. Туркестан в начале XI века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я. Раджапова. – Т.: Шарқ, 2000.
30. Унутилмас сиймолар. Жадидчилик ҳаракатининг намояндалари (китоб-альбом). Матн муаллифлари: С.С. Аъзамхўжаев, Д.А. Алимова. – Т.: Академия, 1997.
31. Файзулла Хўжа. Берлин мактублари // «Бухоро ахбори», 1922 йил 19 ноябрь.
32. Файзулла Хўжаев. Избранные труды. В трёх томах. Т. I–III. – Т.: Фан, 1970–1973.
33. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Уч томлик. Т. I–III. – Т.: Фан, 1976–1980.

34. Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар (Қайта нашри). – Т.: Фан, 1997.
35. Файзулла Хўжаев (китоб-альбом). Тузувчи Н. Содиқова. – Т.: Фан, 1977.
36. Файзулла Ходжаев. 100 лет. – Навои, 1996.
37. Fayzulla Xojayev. Buxoro inqilobining tarixidan materiallar. – Tashkent – Semerkent: O'znesr, 1930.
38. Файзулла Ходжаев. Джадиди // Политическая жизнь мусульман до Февральской революции. – Оксфорд, 1987. – С. 109–117.
39. Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. – Т.: Узгиз, 1926.
40. Ходжаев Ф. Басмачество // БСЭ. Т. 5. – М.: Советская энциклопедия, 1927. – С. 35–38.
41. Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре и национального размежевания в Средней Азии. – Т.: Узбекгосиздат, 1932.
42. Холбос С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси (тарихи, тақдири, таҳлили). – Т.: Фан, 2008.
43. Чўпон. Гўзал Туркистон (Шеърлар). Нашрга тайёрловчи Б. Дўстқораев. – Т.: Маънавият, 1997.
44. Эшонov О.Э. Файзулла Хўжаев (Хаёти ва фаолияти ҳақида очерк). – Т.: Ўзбекистон, 1973.
45. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). 10-синф ўқувчилари учун дарслик. Масъул муҳаррир Д. Алимова. – Т.: Шарқ, 2000.
46. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Т.: Шарқ, 2000.
47. Уринова Н. [Хасанова Н.] Файзулла Хўжаев асарларида Бухоро Шўро жумҳурияти ва Бухоро Коммунистик фирқаси тарихининг ёритилиши (Диплом иши). – Т., 1991.
48. Қор қўйнида лолалар (Қатагон этилган аёллар ҳақида очерклар). Масъул муҳаррир Б. Шарипов. – Т.: Академия, 2001.
49. Хасанов М. Садриддин Айний ва Файзулла Хўжаев. – Т.: Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти, 1968.
50. Хасанов М. Файзулла Хўжаев. – Т.: Ўзбекистон, 1990.

Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Таваллуд санаси ва ёшлиги.....	4
Ўн етти ёшли йўлбошчи.....	6
Ёш бухороликлар сардори.....	7
Файзулла Хўжаев – БХСР ҳукумати раиси.....	13
Кучли сиёсатчи ва моҳир дипломат.....	16
Файзулла Хўжаев ва истиқлолчилик ҳаракати.....	19
Файзулла Хўжаев шажараси.....	24
«Миллий Иттиҳод» ташкилотининг юявий раҳнамоси.....	30
Файзулла Хўжаевнинг «олтин» боши.....	34
Эл ардоғидаги назаркарда инсон ва миннатдор авлодлар эҳтироми.....	39
Муҳаммад Юсуф. Файзулла Хўжаев марсияси.....	43
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	44

Қаҳрамон Кенжаевич Ражабов,
тарих фанлари доктори

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ

(тарихий эссе)

ўзбек тилида

Мухаррир В. Умиров
Техник муҳаррир У. Хамитов
Компьютерда матн тевувчи С. Ражабова
Мусахҳиҳ Н. Сайдҳмедова
Дизайнер Г. Насридинова
Компьютерда саҳифаловчи С. Сайдҳмедов

«ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти.
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 16-А уй.
Телефон: (+99871) 241-0169
Факс: (+99871) 241-0173

e-mail: abu_mc@uzconsult.org
abu.matbuot-consult@yandex.ru

Нашр. лмт. А1 № 090, 16.07.2007. Босишга 17.03.2011 йилда рухсат этилди.
Бичими 60×84 1/16, Шаргли босма тобоғи 2,79. Нашр тобоғи 3,00.
Адади 2000. Буюртма №11-014.
Баҳоси шартнома асосида.

«ABU MATBUOT-KONSALT» МЧЖ
матбаа бўлимида босилди.